Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Чингиз Тўрақулович Айтматовни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга, тарихан таркиб топган ўзбек-қирғиз маданий ва маънавий алоқаларини чуқурлаштиришга, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги анъанавий яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси, адабий фаолият соҳасидаги катта хизматлари учун ва 70 йиллик юбилейи муносабати билан Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеясининг Президенти, машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Тўрақулович Айтматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 11 декабрь.

Бу ғоят ўзига хос асар

Унда ўз шахсига урғу бермай, дунё ва давр қиёфасини мамлакати орқали кўра олиш салоҳияти яққол кўзга ташланади.

Украина Миллий академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлари институти ректори Ю. Пахомов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўқувчиларга ана шундай таассуротлар билан таништиради.

Ушбу асар тақдимоти 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси томонидан Жорж Вашингтон номидаги университетда йирик жамоат ва сиёсий арбоблар иштирокида бўлиб ўтди.

Шубҳасиз, америкалик ўқувчилар учун дунёга таниқли сиёсатшунослар ва ноширларнинг китобнинг бежирим муқовасида битилган фикрлари билан танишиш янада қизиқарлидир. Жумладан, Ю. Пахомовдан ташқари Париж академиясининг ректори, Торонто ва Нью-Йорк университетлари фахрий аъзоси М. Массалу, исроиллик тарихчи олим Яков Рои, ливанлик ношир Жамолиддин Тоҳир ва бошқа атоқли кишиларнинг фикрлари эътиборни тортади. Масалан, немис ноширн К. Дрогемюллернинг фикрича, «муаллиф фавқулодда ишонтириш салоҳиятига эга бўлган шахс. Мени бошқа яна бир нарса ҳайратга солди — асарнинг ҳар бир сатри ватанига ва халқига бемисл муҳаббат руҳи билан суғорилган? Шу билан бирга Ўзбекистоннинг эртанги куни қандай бўлади, унинг тараққиёти ва олға қараб ривожланиши учун нималар қилиш керак, деган ғамхўрлик ва куюнчаклик билан йўғрилган».

Вестминстер дипломатия академияси университети директори Нобил Айёднинг ёзишича, «...Президент И. Каримовнинг китоби киши эътиборини фақат Ўзбекистон тажрибасига эмас, балки Марказий Осиёда, Яқин Шарқда ва Шимолий Африкада яшаётган, ўз мустақиллиги ва ўзлигини ҳар хил кучлардан ҳимоя қилаётган халқлар ҳаётига ҳам қаратади. Муаллифнинг қувваи ҳофизаси ниҳоятда кенг. У ишончли манбаларни моҳирона таҳлил қилиш орқали мамлакатининг келажакда ўзаро алоқаларда кўприк бўла олишини кўрсатиб берган».

Китоб машҳур Гарвард университети жойлашган Кембридж шаҳрида 10 минг нусхада чоп этилган ва АҚШнинг йирик кутубхоналарига жамоат кутубхоналари тизими орқали тарқатилади. Асарнинг ихтисослашган компаниялар тизими орқали савдога чиқиши ҳам кутилмоқда. Бу эса ушбу нашр Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотганлигига яна бир далолатдир.

«Туркистон -пресс» НАА

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик-тижорат корхонаси раҳбарияти диққатига!

«Ўзбекистон овози»ни ўқисам дейман...

«Сизга «Ўзбекистон овози» газетасига оид бир иш юзасидан мурожаат қилишга мажбурман. Мен бу газетани 1994 йилдан бери олардим. 1997 йилдан эса менга олиб келмай қўйишди. Почтада эса бу масалалар асосан Ўзбекистон томони билан боғлиқ деган жавобни айтишади. Илгари газета, журналлар қутисида ўзбекча нашрлар бўлгувчи эди, ҳозир эса йўқ.

Илтимосимни ижобат этиб, «Ўзбекистон овози» газетасини олишимга ёрдам беришингизни ўтиниб сўрайман. 14 ноябрь, 1998 йил».

Минск шаҳар, Байкал кўчаси, 54-уй, 70- хонадонда истиқомат қилувчи Омон ҲАЙИТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 12 декабрь, шанба • № 148 (24.385).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати Миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига айлантириш тўғрисида

Нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги нефть ва газ конлари ўзлаштирилишини жадаллаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда ташиш самарадорлигини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, республиканинг нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда нефть-газ тармоғини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг, «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати Миллий корпорацияси корхоналари ва ташкилотларининг:

а) «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига айлантириш;

«Ўзнефтгазқурилиш» ва «Ўздавнефтмаҳсулот» давлат акциядорлик бирлашмаларини тегишли равишда «Ўзнефтгазқурилиш» ва «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияларига айлантириш;

«Ўзтрансгаз» ва «Ўзнефтниқайтаишлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларини «Ўзтрансгаз» ва «Ўзнефтниқайтаишлаш» акциядорлик компанияларига айлантириш;

«Ўзнефтгазтаъминот» савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмасини «Ўзнефтгазишчитаъминот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисидаги;

б) «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акциядорлик бирлашмаси ҳамда «Ўзбекгеофизика» давлат геология корхонаси негизида «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясини ташкил қилиш;

«Ўзнефтқазибчиқариш» давлат акциядорлик бирлашмаси ҳамда «Ўзнефтгазгеология» давлат геология корхонасининг пудрат бурғулаш ташкилотлари негизида «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компаниясини ташкил этиш;

тармоқнинг ҳамда «Ўзмашсаноат» уюшмасига қарашли «Ўзбекимёмаш»очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг машинасозлик корхоналари негизида «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

жорий ва узоқ муддатли тахминларни, газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг, табиий ресурслардан ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг аниқ мақсадли илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш;

республика иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг нефть маҳсулотлари ва газга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш;

нефть ва газ соҳасидаги геология-қидирув ишларининг стратегик ҳамда устувор йўналишларини белгилаш ва мувофиқлаштириш, нефть ва газ конларини қазишнинг самарали тизим ва усулларини жорий этиш;

хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш;

нефть, газ ва нефть маҳсулотлари республика ҳамда жаҳон бозори коньюнктурасини ўрганиш негизида сармояларни жалб этиш;

газ таъминоти ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

тармоқ корхоналарида янги технологияларни ва илғор менежмент усулларини жорий қилиш.

3. Қуйидагилар «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясининг устав жамғармасига ўтказилсин:

ушбу Фармонга мувофиқ ўзгартирилган ёки ташкил қилинган акциядорлик компаниялари акциялари пакетининг 51 фоизи;

бевосита холдинг компаниясига ҳисоб берадиган давлат корхоналарининг мулки;

холдинг компаниясига уюшган қатнашчилар — акциядорлик жамиятларида давлатга тегишли бўлган акцияларнинг пакетлари.

Холдинг компанияси ҳамда унинг акциядорлик компанияларининг устав жамғармаларига ўтказилган акцияларнинг пакетларини ва давлатга тегишли мулкни самарали бошқариш учун жавобгарлик «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси зиммасига юклансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясида ва холдинг акциядорлик компанияларида давлатга тегишли акцияларни, шунингдек тармоқнинг давлат корхоналаридаги мулкини фонд бозорларида сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

4. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси юридик шахс бўлиб, очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилиши;


«Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. «Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концернини «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати Миллий корпорациясига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 23 декабрдаги ПФ-518-сон Фармон ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 11 декабрь.



Шаҳрихонлик пичоқчи уста Муҳаммадсодиқ Неъматов

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Газета саҳифаланаётганда...

Фарғона вилоятидан иккита хушхабар келди

Иброҳимжон АСҚАРОВ, Фарғона вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги:

— Бошқармамизнинг шахсий таркиби томонидан 1999 йил учун 122 нусха «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинди. Шунингдек, божхона масканлари ходимлари ўз ҳудудларидаги ташкилот, корхона ва муассасаларда олиб борилган тушунтириш ва тарғибот натижасида ушбу газетага яна 542 нусха обуна қабул қилинди. Умуман газетага 1999 йил учун 664 нусха обуна ташкил этилди.

Расулжон ШАРОПОВ, «Пахта-банк»нинг Фарғона вилоят бўлими бошқарувчиси:

— «Пахта-банк»нинг Фарғона вилоят тизимидаги барча банклар ходимлари (300 кишидан ортиқ) севимли «Ўзбекистон овози»га обуна бўлдилар.

Адолат манзили

Яқинда «Ўзбектелефильм» студиясида Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» асари асосида суратга олинган фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда асар муаллифи, режиссёри, бошқа ижодий ходимлари ва журналистлар иштирок этишди.

«Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган тўрт қисмдан иборат бу фильмда халқимизнинг кечаги куни ҳақида ҳикоя қилинади. «Ўзбеклар иши» деб ном олган ва кўплаб ҳалол кишиларнинг ҳаётини остин-устин қилиб юборган маълум воқеа сценарий муаллифи Одил Ёқубов, режиссёр Фарҳод Ҳайдаров томонидан катта маҳорат билан очиб берилган. Халқ фаровонлиги йўлида фидойи инсонлар бошига солинган кулфатлар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, оператор Акмал Умарбеков, рассом Зокир Исоқовлар бетакрор ўлкамиз тасвирини кўрсатар эканлар, бу гўзал масканларни ўзларининг манфур ҳаракатлари билан топтаган кимсаларнинг ҳам башараларини воқеалар жараёнида кўрсатадилар. Фильмда бош ролларни ижро этган Машраб Кимсанов, Юлдуз Ҳамидова, Рустам Мадиев, Борис Шевченколар образларнинг ички кечинмалари, фикру ўйларини маҳорат билан кино тилига кўчирганлар. Айниқса, ўзининг ҳалоллиги билан эл орасида маълум бўлган Суюн Сувонқуловнинг Шарановский томонидан қилмаган ишларини бўйнига олишга мажбурлашлари қонунга хилоф равишда ўтказган қийноқларига, бардошлилиги Машраб Кимсанов томонидан катта истеъдод билан ижро этилган.

Адолат манзили, у барибир адолатлигича қолади, уни на букиб, на тиз чўктириб бўлади. Тергов гуруҳининг қароргоҳи фильм сўнггида тайёрланган бўхтон қоғозлари чирпирак бўлиб учаётганини тасвирлар экан, ҳар қандай бўхтоннинг умри қисқалигини ифода этади. Ва, лекин, ўша адолат манзилигача бўлган йўл машаққатлари фильмда томошабоп тарзда воқеалар изчиллигида тасвирини топган.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бу дунёнинг ишлари

Афъюнни йўқотиш эвазига...

«Толибон» ҳаракати раҳбарияти агар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уларнинг ҳукуматини расман тан олса, мамлакатдаги барча кўкнори экилган майдонларни пайхон қилиб юборишга ҳамда наркотик моддалар ишлаб чиқаришни ноқонуний деб эълон қилишга тайёр эканлигини билдирди. «Толибон» ҳаракати олий раҳбари Муҳаммад Умар шундагина биз халқаро доирага чиқамиз, деди. Афғонистонда ҳозирги пайтда гашишни тарқатиш ман этилган. Бу эса қимматбаҳо ва кучли таъсир этувчи героинга нисбатан анча бўш нарсадир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Афғонистон БМТнинг маърузасида айтилишича, героин ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Героин ҳозирги пайтда толибонлар қўл остидаги вилоятларда етиштирилмоқда. Толиблар Кобул вилояти атрофидаги фермерларга кўкнори ўрнига пиёз уруғини сепишни тавсия этишмоқда. Бунда пиёзни халқаро бозорга чиқаришга ҳам ваъда беришмоқда. Ҳозирча фермерлар бу тавсияга амал қилишмаяпти.

Толибларга қарши намойиш

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича умумий декларация қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Покистон пойтахти Исломободда толибларга қарши йирик намойиш бўлиб ўтди. Унда минглаб афғонистонлик қочоқлар иштирок этди. Асосий қисми аёллардан иборат бўлган намойишчилар толибонларнинг ички сиёсатини танқид қилишди. Маълумки, толибонлар аёлларнинг ҳуқуқларини поймол қилишмоқда. Улар ишлаш ҳуқуқидан маҳрум. Саккиз ёшга тўлган қизлар эса ўқиш ҳуқуқига эга эмас. Афғон аёллари кенгашининг махсус баёнотида айтилишича, толибларнинг қарор ва қонунлари мамлакатнинг хотин-қизларига азоб бериш йўлида чиқарилган.

Бошқарув тизими ишдан чиқди

Чернобиль атом электр станциясида бошқарув тизими ва учинчи ядро блокини ҳимоя қилиш тизими ишдан чиқди. Электр энергияси узатилиши тўхташи муносабати билан асосий тизим бузилди. Ушбу вазият мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Бироқ, Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ядро реакторининг ишдан чиқиши натижасида радиацион вазият бузилгани йўқ.

Қарзни тўлаш муддати кечиктирилди

«Париж клуби» аъзоси бўлмиш мамлакатларнинг Гондурас ва Никарагуага клубдан олган қарзларини тўлаш муддатини уч йилга кечиктириш ҳақидаги қарорини халқаро валюта жамғармасининг бошқарувчи директори Мишель Камдессю қутлади. «Париж клуби»нинг ушбу ҳаракати Гондурас ва Никарагуада тикланиш ва янгиланиш жараёнини амалга ошириш жараёнидаги тўсиқларни олиб ташлаш йўлидаги интилишдир. Ушбу икки мамлакатнинг иқтисодиёти «Митч» деб номланган тўфондан сўнг ўта оғирлашиб қолган эди. Шу боис ҳам, «Париж клуби» аъзолари Никарагуа ташқи қарзларининг учдан икки қисмидан воз кечиб юборишди. Гондурасниng қарзи эса, учдан бирга қисқарди. Айни пайтда Никарагуанинг ташқи қарзлари 5,9 миллиард долларни, Гондурасники эса 4,1 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Раисликдан фойдаланиб бадални қисқартирмоқчи

Германиянинг янги канцлери Герхард Шредер ўз мамлакатининг келгуси йилнинг январидан Европа Иттифоқига раислик қилишидан фойдаланиб Боннинг Европа Иттифоқи хазинасига тўлайдиган бадаллари миқдорини камайтирмоқчи. Бу ҳақда Шредер Бонн парламентидаги нутқида айтди. Агар янги аъзолар ўзларининг молиявий аҳволини яхшилаб олмасалар Европа Иттифоқига қўшилишлари жуда қийин. Германиянинг Европа Иттифоқига тўлайдиган бадаллари бошқа мамлакатларникидан анча кўп. Бу тахминан 13 миллиард доллар бўлиб, унга ёрдам ва субсидия шаклида қайтиб келадиган маблағдан кўра кўпроқдир.

Мулоҳаза

Танбаллик

Мен улуғ аждодларимиз ёзиб қолдирган одоб-ахлоққа оид китобларни бир қадар кўздан кечирдим. Во ажаб, танбаллик, дангасалик, ишёқмаслик ҳақида алоҳида асарлар йўқ. Баъзи мулоҳазалар, фикрлар бор, рубоийлар, мақоллар бор. Наҳотки ўтмишда танбаллик бўлмаган бўлса?

Танбалликни урчитадиган аввало жамият, унинг мафкураси, аҳолига, миллатга муносабати. Шўролар тузуми танбал, лоқайд одамларни вояга етказишда шижоат кўрсатди. Чунки, миллатлар ўзлигини англамаслиги, моддий бойликларга бепарволиги, маънавий қуллиги собиқ империя учун жуда муҳим эди. Ўтмишидан, тарихидан ажратиб маънавий ота бўлиш иштиёқи империянинг ўчоғига ўт қаларди. Кўпгина собиқ шўро республикалари қатори Ўзбекистон ҳам сохта ғоя қурбони бўлди. Аҳолининг маълум қисми бепарволик, танбаллик касалига йўлиқди. Шўролар даврида: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун, деган шиор бўларди. Бугунги кунда танбалликнинг илдиз отишига ўша шиор ҳам сабабчи бўлди. Ахир қайсидир корхонада ҳамма учун бир киши ишлади, бошқасида эса бир киши учун ҳамма ишлади. Нотенглик кишиларни ишёқмасга, дангасага, бекорчига айлантирди. Бу кайфият иллат боғлади. Одамларда маънавий, ижтимоий онгнинг ривожланмаслиги, текин қулга айланиши ўша давр учун керак эди. Одамлар онгли, мулоҳазали бўлишса, аввал ўз ҳақини, сўнгра эл-юрт ҳақини талаб қилиши мумкин эди-да. Одамларни танбаллаштириш, кастюмини сўрасанг кўйлагини ҳам ечиб берадиган мутега айлантириш ҳар қандай истибдод юритаётган ҳукмрон жамият учун манфаатлидир.

Эндиликда мустақилмиз, шу Ватан ўзимизники. Ишласак, ҳаракат қилсак, аввало ўзимиз, она-Ватанимиз, миллатимиз келажаги учун меҳнат қиламиз, бировлар учун эмас. Эндиликда танбаллик оғир юк, у ватан тараққиётига тушов бўлади, жамиятни жарликка судрайди. Бу иллатни тугатиш учун жиддий ҳаракат қилиш пайти келди.

Танбални таниш осон: ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, у хотинлари ҳисобига кун кўрувчи «эркак»лардай кўзга яққол ташланиб туради. Танбал аввало, атрофидагиларга таъсир қилишга уринади. Чунки, у ҳаммани ўзидек бўлишини истайди. У: шу ишни ким учун, қилаяпсан? Йиғиштирсанг-чи! Ундан кўра кел, бир пас дам ол, гурунглашамиз, деб бирор иш билан машғул бўлган инсонни йўлдан уришга ҳаракат қилади. Одамнинг бахтсизлиги, ночорлиги танбаллик натижасидир. Эътиқод илмида: ҳаракатда баракат бор, баракатсиз уйда файз бўлмайди, файзсиз уйда инсу-жинс яшайди, дейилади. Бир одамни танирдим, ўн икки сотих томорқаси бор эди. Аммо ҳеч нарса экмасди. Суҳбатлашиб қолсангиз доим йўқчиликдан нолирди. Бир гал уйига меҳмонга бордик, дастурхон ёзди. Энг қизиғи, дастурхонинг «гули» бўлиб қўлинг ургулсин ароқ турарди, яна жимжимадор шишада. Ундан сўрадим: — Йўқчилик дейсизу, ароққа пул топасиз. «Шусиз дастурхон тузалмайди-да», деди у. Болаларини жўлдур қийиниб юрганини кўриб, — бундан кўра шуларга тузукроқ кийим олиб бермайсизми? — дедим. У эса: «Эй, булар тупроққа думалаб катта бўлаверади» — деди, гуё қойилмақом гап айтгандек. Аслида шундайми? Йўқ, албатта. Шунга ўхшаш гаплар билан одам ўзини алдаши мумкин фақат. Агар ўн икки сотих томорқасидан унумли фойдалансами, ҳар қандай рўзғорни обод қилади. Дангасанинг косаси оқармаслиги рост. Лекин ароққа пул топишини изоҳлаш қийин. Оилапарвар одамдан ҳеч қачон танбал чиқмаган. Уйим-жойим демайдиган эркак, қўпол қилиб айтганда, зараркунанда бўлади. У биринчи навбатда бола-чақасига зарар етказади.

Ривоят қилишларича, бир ҳукмдорнинг икки хизматкори бўлиб, улар бир хил иш бажарар, аммо икки хил ҳақ олар экан. Иш ҳақи кам хизматкор ахири ҳукмдорга арз қилибди: — бир хил иш қилсак-да, нега унга зиёд, менга кам ҳақ тўланади?

Ўша кунлар подшоҳликка бир савдо карвони келиб қўнган экан, ҳукмдор: — Фалон карвон саройига карвон келибди. Бор, билиб кел, муддао нима?- дебди. Хизматкор бориб келиб, дебдики:

— Сотгани мато келтирибди.

—Бил-чи матоси нима экан?- дебди ҳукмдор.

Хизматкор яна бориб келибди-да: шойи газламаси келтирибди! - дебди.

—Қаерники экан?- дебди ҳукмдор.

— Ҳозир, -- дебди хизматкор ва яна карвонсаройга йўл олибди. Муддао аниқ бўлгач, ҳукмдор унга:

— Энди сен парда ортига ўтиб тур, — дебди, сўнг иккинчисини чорлабди-да: — Карвон саройига карвон келган. Бил-чи, муддаоси нима? — дебди. Хизматкор бориб келгач:— фалон мамлакатдан, фалон нарҳда, фалон газлама олиб келибди. Буни сотгач, биздан фолон молни харид қилиб, фалон мамлакатга йўл олар ва ўша ерда сотар экан. Савдоси юришса, яна келишларини айтишди...— дебди.

Ҳукмдор парда ортида турган хизматкорни имлаб чақирибди-да: — Энди тушунгандирсан кам иш ҳақи олишингнинг сабабини? — дея сўрабди. Бу ривоят камҳафсалалик, амал-тақал билан иш юритувчи кимса ҳақида.

Табиийки, ҳаракатчан киши ишида унум бўлади. Тадбиркор, ишбилармон одам ҳар қандай ишни рисоладагидай бажара олади. Ўз ишидан мамнунлик кишига завқ бағишлайди. Эртанги кунга ишонч уйғотади. Ундан ўзи, оиласи, эл-элати ва ватани ҳам манфаат кўради. Талабалик давридаги дўстим радиода ишларди, қўққисдан туғилган юртига кетадиган бўлди. Бориб фермер хўжалик ташкил қилди. Ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан меҳнат қилди. Ҳеч вақодан бошланган иш тез кунда натижа кўрсатди. Ҳозирга келиб 100 дан ошиқ қора моли, саноқсиз паррандаси бор. Оилада тўрт рўзғор бўлса, тўрталаси ҳам ўша фермер хўжалик ортидан бадавлат кун кечиришади. «Қимирлаган қир ошар», деганларидек, ҳалол меҳнат, ҳаракат, тадбиркорлик кишини баркамол қилади. Тадбиркорлик замирида илм-ҳунар ётади. Илмли, ҳунарли одам хор бўлмайди. Танбал, иш билмас эса халқ тилида айтганда: куйдирги одам. У ўзини ҳам, ўзгани ҳам ёлчитмайди. Келажакда «куйдирги» одам бўлмаслиги, аввало ўзини, қолаверса халқини, ватанини фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган ёш авлодни тарбиялаш, вояга етказиш учун ёшларни илмли, ҳунарли қилиб ўстириш муҳимдир. Танбаллик касали кўпроқ қобилиятсиз одамда учрайди. У жамият орасида кўзга чиққан чипқондек ошкоралашади, иллат боғлайди. Агар ўз вақтида даволамаса ярага айланади. Давосиз дардга айланади. Иш билмаслик ҳаракатсизликдан келиб чиқади. Энг ачинарлиси, танбалнинг умри қумга сочилган бир сиқим тариқ дони каби ном-нишонсиз ўтади. Ундан на ўзи, на жамият манфаат кўради. Ахир умр қисқа. Ўткинчи. Дунёга келган ҳар бир инсон яшашдан мақсад нима эканлигини, ўзлигини, ҳаёт моҳиятини мушоҳада қилиши, яшашдан мантиқ топиши лозим.

Қадимги ҳикоятлардан бирида

(Давоми 2-бетда)

Жаҳон ва биз

Демократиянинг қўш қаноти

Мустақил Ўзбекистон демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бу йўлда тегишли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Илғор жаҳон ҳамжамияти томонидан ушбу соҳада қўлга киритилган тажрибани ўрганиш мазкур саъй-ҳаракатларнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Зеро, инсоният, мана бир неча асрлардирки, ижтимоий ҳаётда демократик тартиботларни босқичма-босқич, изчил қарор топтира бориб, бу борада ҳар томонлама таҳлилга молик, муайян тажриба орттирди.

Демократияни, XX асрнинг интиҳосида ва XXI аср — инсоният тарихининг мелоддан кейинги учинчи минг йиллиги ибтидосида бутун дунё ижтимоий тараққиётининг бош йўли, унинг барча халқлар, миллатлар, давлатлар учун бирдай, умумэътироф этилган, қадрият бўлиб бораётганлигини тобора чуқурроқ англаш, ушбу тажрибанинг энг муҳим қиррасини ташкил этди. Бугун демократияни инкор этадиган бирон-бир давлат, мамлакат ёки сиёсий куч деярли топилмайди. Бироқ, ҳамма гап уни қандай тушунишда, унга қандай маъно ва мазмун бахш этишда.

Бунинг учун эса демократиянинг тарихий шакллари, хиллари ва замонавий кўринишларини ўрганмоқ зарур. Ҳамма нарса таққосланганда билинади, деган пурҳикмат нақл бор. Масалага худди мана шу тарзда ёндошиш шуни кўрсатмоқдаки, демократиянинг умумий моҳияти, мазмуни ҳамма даврлар ва халқлар учун бир хил маънони англатади. Яъни: ихтиёрийлик, сайлов, озчиликни кўпчиликка бўйсуниши, юқорининг қуйи олдида ҳисоб бериши ва ҳ.к. Аммо, демократия, яқин-яқинларгача, чекланган тарзда ўзини намоён қилган. Чунончи, у жамиятнинг ўхшрон доиралари учун амал қилиб, халқнинг аксарият кўпчилиги ундан бебаҳра бўлган. Ҳатто, демократиянинг ижтимоий негизи беқиёс кенгайган Янги даврдан кейин ҳам у, асосан, кемтиклигича (ижтимоий, ирқий, жинсий ва ҳ. чеклашлар) қолган.

Фақат бугунга келиб, демократиянинг, энига ҳам, бўйига ҳам, барча учун, баробар қадриятга айланиши ва унинг бутун дунёда қарор топиши тарихий зарурат эканлиги яққол кўринмоқда. Зеро, демократиясиз ижтимоий адолат йўқ, ижтимоий адолатсиз инсонга муносиб турмуш шароити йўқ, инсонга муносиб турмуш шароитисиз ривожланиш йўқ, ривожланишсиз яшаш эса муқаррар ҳалокатдан ўзга нарса эмас.

Айни пайтда, шуни ҳам унутмаслик лозимки, ҳар қандай умумий ҳол, жойига ва вақтига қараб, ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ҳамма инсонлар учун кийиниш, овқатланиш, уй-жойда яшаш муқаррар хос бўлганликлари билан, ушбу жиҳатлар ҳар бир элат, халқ, миллат, мамлакатда ўзгача намоён бўладиларку! Демократия ҳам худди шундай. Хусусан, унинг Ғарбда ва Шарқдаги намоён бўлиш шакллари тўғрисида гап кетадиган бўлса.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов «Фидокорлар» миллий-демократик партиясини тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ аъзоларини қабул қилиш чоғида, айнан шу масалалар хусусида тўхталиб, айтдиларки, демократиянинг барча учун умумий жиҳатлари мавжудлигини тан олиш билан бирга, биз унинг Япониядаги кўриниши билан АҚШдаги кўринишини фарқ қиламиз. Энг муҳими, дедилар юртбошимиз, бир вақтлар Ғарб Шарқдан кўп нарсаларни ўрганган бўлса, ҳозирги замон демократиясини қарор топтиришда Ғарбдан кўп нарсани ўрганмоғимиз зарур.

Шу муносабат билан икки нарсага диққат-эътиборимиз қаратилди. Улар ақл-заковат, тафаккур, онг ва халқимиз жипслиги, уюшқоқлигининг ташкилий-сиёсий шакллари — нодавлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ўз-ўзини бошқариш идоралари, халқ депутатлари Кенгашлари, Ўзбекистон Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар, мустақил суд идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари тизимлари ва ҳоказолар.

Биз 1998 йилнинг ноябрь ойида Германия ва Бельгия давлатларига амалий сафар қилган кунларимизда ушбу ҳолат, жиҳатларнинг мутлақ тўғри эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Сафаримиз Германиянинг Фридрих Эберт номидаги сиёсий Фонди таклифига биноан амалга оширилди. Унда Ўзбекистон ХДП, «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партиясининг вакиллари — уларнинг мамлакат парламентидаги фракцияларининг раҳбарлари — Т. Даминов, А. Турсунов ва Ўзбекистон Президенти девони бош консультанти И. Мавлонов ҳамда ушбу сатрлар муаллифи иштирок этдилар.

Мазкур Фонд 1998 йилнинг 27 сентябрь куни бўлиб ўтган сайловларда катта ғалабага эришган ва «Иттифоқ — 90» / «Яшиллар» билан (тегишлича 298 та ва 47 та, ҳаммаси бўлиб, 345 та депутатдан иборат) ҳамкорликда ҳукуматни тузган Германия Социал-демократик партиясининг ҳомийлигида фаолият кўрсатади. Айни пайтда, у нисбатан мустақил ташкилот. Фонд 1925 йилнинг 2 мартида Ваймер Республикасининг биринчи Президенти ва Социал-демократик ҳаракатнинг йўлбошчиси Ф. Эберт шарафига, ишчиларнинг истеъдодли болалари бўлмиш талабаларни стипендия билан таъминлаш мақсадида, таъсис этилган бўлиб, ҳозир ҳам мамлакатнинг ўзида ҳамда халқаро миқёсда сиёсий-маърифий фаолият кўрсатади. Шуниси диққатга сазоворки, Германиянинг шу кундаги Канцлери Герхард Шрёдер ҳам ўз вақтида мазкур Фондниг стипендияси соҳиби бўлган.

Фондниг халқаро миқёсдаги фаолияти 50-йилларга тўғри келиб, ҳозирги кунда унинг вакиллиги жаҳоннинг 76 мамлакатида мавжуддир. Фонд, умуман, 100 дан зиёд мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади. Унинг ваколатхоналари, жумладан, Москвада, Киевда, Тошкентда, Алматида, Бишкекда, Тбилисида, Ереванда, шунингдек, Рига ва Таллинда фаолият кўрсатмоқда. Фондниг марказий аппаратидаги илмий ва бошқарув ишларида 700га яқин, шунингдек, хорижда 600га яқин, унинг идоралари жойлашган мамлакатлар фуқароларидан жалб этиладиган, ходимлар меҳнат қилишади.

Фондниг ривожланаётган мамлакатлар билан амалга ошириладиган халқаро фаолияти, асосан, қуйидагиларни ўз ичига олади: сиёсий партиялар, касбий бирлашмалар, жамоат ташкилотлари ўрталаридаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга кўмаклашиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини йўлга қўйишга ёрдам бериш; бошқарув соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш; хотин-қизлар ҳаракатининг кенг қулоч ёзишини таъминлаш ишига ҳисса қўшиш; оммавий ахборот воситаларини тараққий топтиришда мадад бўлиш ва ҳ. к.

Фонд, асосан, давлат томонидан ва қисман унинг ўзининг илмий-маслаҳат фаолияти ҳисобидан тушадиган маблағлар эвазига молиявий таъминланади. Фондниг тасарруфидаги махсус илмий тадқиқот институти иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва меҳнат, хотин-қизлар муаммолари, ташқи сиёсат масалаларини ўрганишга ихтисослашган. Шунингдек, немис жамиятининг турли қатламларида сиёсий-маърифий ишларни олиб боришга ихтисослашган Сиёсий маориф академияси (1989 йилда тузилган) ҳам Фондниг тузилмасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Айтиб ўтганимиздек, мазкур Фондниг таклифига биноан биз Германия ва Бельгия мамлакатларига ташриф буюриб, унинг воситачилигида, 5 кун мобайнида, 20 дан зиёд учрашувлар ўтказдик, уларда мезбонлар томонидан 70 дан ортиқ киши иштирок этди. Учрашувлар Фонд бошқаруви, Германия Федерал Президенти аппарати ва Федерал Канцлери хизматлари, Бундестагдаги фракциялар, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт, Экология ва атом реакторлари хавфсизлиги, Ташқи ишлар федерал вазирликлари, немис-ўзбек дўстлик жамияти, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида, шунингдек, олимлар, журналистлар, Европарламент тузилмасига кирувчи фракция, комиссия ва шўъбалар раҳбарлари, ходимлари билан бўлиб ўтди. Биз мезбонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари ва бунда сиёсий партияларнинг иштироқи ҳақида сўзлаб бердик.

Барча учрашувларда биз Германия томонидан қатнашганларнинг Ватанимиз тарихи, унинг бугунги куни ва истиқболига, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлига, хусусан, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар ҳамда сиёсий партияларнинг бундаги ўрни масалаларига нисбатан катта қизиқиш, юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларга хайрихоҳлик ҳис-туйғулари мавжуд эканлигининг гувоҳи бўлдик.

27 сентябрдаги сайловларда ғалабага эришган ва шу боис ҳокимият тепасига келган Германия Социал-демократик партиясининг Ф. Эберт номидаги Фондининг мазкур сайловлардан кейинги биринчи хорижий меҳмони айни Ўзбекистон делегацияси бўлганлигини мезбонлар ўзларининг бизнинг халқимиз, Ватанимиз, давлатимизга бўлган муносабатларининг ифодаси, деб изоҳладилар. Биз ташриф буюрган кунларни улар немис жамиятида қарор топган демократик тартиботларнинг муҳим халқаси эканлигини алоҳида таъкидладилар. Чунончи, айни шу кунларда кейинги 16 йил давомида ҳокимият тепасида турган ХДС партияси ва унинг иттифоқчилари вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги масъул лавозимларни ғолиб партия ҳамда унинг иттифоқчилари вакилларига бўшатиб бераётган эканлар. Биз ҳам ғолибларнинг, ҳам мағлубларнинг вакиллари билан учрашдик, сўзлашдик. Ғолибларнинг туйғулари тушунарли. Бироқ, мағлубларнинг юзларида ҳам ортиқча бир ташвиш йўқ эди. Бунинг сабабларини, биз, уларнинг ўзларининг изоҳлари бўйича ҳам, қуйидагиларда кўрдик:

Биринчидан, демократия тамойилларининг сўзсиз амал қилиши, халқ иродаси ҳамма нарсадан, жумладан партиявий манфаатлардан, ҳамиша устун.

Иккинчидан, демократия — нафақат ҳокимият тепасига келишнинг йўли, усули, балки, ундан кам бўлмаган даражада, уни, ўрни келганда, жанжал-суронсиз, тинч йўл билан бўшатиб беришнинг ўзига хос тарзи ҳамдир.

Учинчидан, чинакам демократик жамиятда мухолифатда бўлиш, бу — сира ҳокимиятни идора этувчи партия мавқеида бўлишдан кам даражадаги масъулият, дегани эмас. Бу ерда ҳокимиятни идора этувчилар ва муҳолифатдагилар бамисоли яхлит бир магнит майдонининг икки қутбини ташкил этадилар, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда зарур бўлган мувозанатни сақлаб турадилар.

Бундан ташқари, бизга яна шуни эслатдиларки, Германиянинг урушдан кейинги (1939-1945 й.) тарихида ҳеч бир сиёсий партия парламентдаги мутлақ кўпчилик ўринни эгаллаб, фақат ўзининг аъзоларидан иборат ҳукуматни тузган эмас. Ҳукуматни фақат коалициядаги (бирлашган) кўпчилик тузган...

Учрашувлар давомида, фикримизча, қуйидаги фикр-мулоҳаза ва қоидаларга кўпроқ эътибор берилгандек бўлинди: сиёсий партиялар — халқ иродасини шакллантириш ва ифода этишнинг конституциявий усули, давлат сиёсатининг кафолати; мустақилликка эришган ёш давлатларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарур; мустақил ёш давлатларга ёрдам бериш майли, бу — фақат маънавий-ахлоқий эҳтиёж эмас, балки, келажакда тенг ҳуқуқли, тенг имкониятли шерикларга эга бўлиш истагидир; Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон, муҳим минтақа бўлиб, у катта салоҳиятга эга; Германияда янги шаклланган ҳукуматнинг сиёсати — прагматик йўлдир ва ҳ. к.

Бельгиянинг пойтахти — Брюссель шаҳрида жойлашган Европарламент штаб-квартирасида бўлганимизда, бу ерда бизга бугун мамлакатлар, халқлар ва давлатларнинг бутун дунёда кенг илдиз ёзаётган ўзаро иқтисодий уйғунлашуви ва жамоавий хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилишининг, Европа мисолида, рўёбга чиқаётганлиги тўғрисида ҳамда ушбу жараёнларнинг умумбашарий истиқболлари ҳақида мароқ билан гапириб беришди. Шуниси диққатга сазоворки, Европарламентнинг 600 дан зиёд депутатлари ҳам ўзлари мансуб бўлган, турли мамлакатларга таллуқли, турдош партияларнинг фракцияларига бирлашиб фаолият кўрсатар эканлар.

Европарламентда, унинг масъул вакиллари, жумладан, мазкур нуфузли ташкилотнинг Ўзбекистон билан шерикчилиги тўғрисидаги шартномани ратификация қилинишини ижобий истиқболлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Мана шуларнинг ҳаммасини кузатар, эшитар ва таҳлил қилар экансан, хаёлингга, беихтиёр, юртимизда рўй бераётган жараёнлар келади, мустақиллик боис танланган ривожланиш йўлимизнинг нақадар тўғри эканлигига иқрор бўласан.

Мен ушбу ерда, энг аввало, иккита бир-бирига узвий боғлиқ жиҳатни, йўналишни назарда тутмоқдаман.

Биринчиси — жамиятимизда, унинг ҳар бир фуқаросида юксак маънавийлик, ақл-заковат, тафаккурни шакллантириш, унинг зарурий чора-тадбир, шарт-шароитларини вужудга келтирилаётганлиги.

Иккинчиси — юртимизда фуқаролик жамиятини қуриш, нодавлат тузилмаларнинг, жумладан сиёсий партияларнинг фаолияти учун очилаётган имконият уфқлари.

Зеро, мустақил Ўзбекистон ўз олдига қўйган эзгу ниятлар томон фақат юксак ақл-заковат ва ташкилий-сиёсий уюшқоқлик, жипслик ҳамда фаолликнинг қўш қанотига таянган ҳолидагина юксак парвоз эта олиши мумкин.

Мамлакатимиз йўлбошчиси ҳамиша, жумладан ва хусусан «Фидокорлар» миллий-демократик партиясини тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ аъзолари билан учрашув пайтида, эътиборимизни бунга қаратар эканлар, у киши минг карра ҳақдирлар.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
биринчи котиби

Қилмиш-қидирмиш

Поранинг қиймати қанча?

Вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятларнинг олдини олиш хизмати ходимлари — милиция майорлари Р. Ҳожиев ва М. Баҳодировлар ўзаро тил бириктириб, фуқаро В. Халатовадан товламачилик йўли билан пора олаётганларида қўлга тушганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу нима деган гап? Ҳуқуқ посбонларининг ўзи жиноятчи бўлса, халқ дардини кимга айтсин?! Ҳақиқатни, адолатни қаердан изласин?

Президент И. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясидаги нутқидан.

Келинг, аввало мақола «қаҳрамонлари» билан таништириб ўтай:

Рустам Ҳожиев 1951 йилда Самарқанд туманида туғилган. 4 нафар фарзанди бор. Ўтган йили Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясини битирган, милиция майори. Сўҳада 17 йиллик тажрибаси бор. Вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятчиликка қарши кураш бўлими ахлоқ ва одоб соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси катта нозири.

Мурод Баҳодиров 1954 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 4 нафар фарзанди бор. СамДУни битирган. Милицияда иш стажи 16 йил. Вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятчиликка қарши кураш ахлоқ ва одоб соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси нозири, милиция майори.

Хизмат вазифасидаги ўхшашлик, дуппа-дуруст иш тажрибасига эга бўлган бу икки қонун ҳимоячиларининг ўзаро жиноий тил бириктиришга имкон берди.

Ҳаммасига уй бошқарувчиси В. Сабановнинг хати сабабчи бўлди. У қўшниси, шу уйда яшовчи фуқаро В. Халатованинг ғайри қонуний ҳаракатлари ҳақида шикоят ёзди. Текширувчилар хатни ўрганиб чиққач, дўқ-пўписа борасидаги тажрибаларини ишга солишди.

— Гражданка Халатова, хатда жуда ёмон гаплар айтилган. Агар уни тинчитмасангиз оқибати ёмон бўлади.

— Акалар, илтимос, бир иложини қилинглар, ёлғизман, ожизман. Нима қилай, тирикчилик.

— Биз ҳам тирикчилик деб юрибмиз. Агар келишолсак...

Ўзининг қамалиши мумкинлигини билган Халатова шартта рози бўла қолди.

— Хўш, энди домкомдан битта яхши тавсифнома олиш керак. Хатга тиркаб қўйсак, олам гулистон!

— Э, нима деяпсиз, у хотин мени ўлгудай ёмон кўради. У дунё бу дунё яхши нарса ёзиб бермаса керак.

— Буёғи билан ишингиз бўлмасин. Бизга 300 та «қўки»дан чўзсангиз бас, ўзимиз тўғрилаймиз. Иккита майор одамга ишонсангиз керак деб ўйлаймиз.

Хуллас, ўша куни Халатова милиция ходимларига 148 АҚШ доллари топиб берди.

— Гап битта. «Договор дороже денег» дейди ўрислар. Қолганини ҳам тайёрлаб қўйинг, келиб олиб кетамиз.

Ҳе йўқ, бе йўқ, осмондан тушаётган пулдан ким воз кечарди дейсиз? Келишди. Аммо бу гал Халатова тегишли жойга хабар бериб қўйган экан...


Гапнинг индаллосини айтганда, 16-18 йиллик тажрибага эга бўлган икки майор ҳамкасблари, оила аъзолари, дўстлари олдида ёмонотлиқ бўлдилар. Энг ёмони, қонун ҳимоячиси деган номга доғ туширдилар.

Тергов ва суд жараёнида порахўр милиционерлар айбларини, таъмагирликларини хаспўшлаш, масъулиятдан қочиш учун минг битта баҳонани рўкач қилиб кўрдилар. Халатова ҳам анойи аёллардан эмас экан. Пул бериш жараёнини видеотасвирга ёзиб олган экан.

Бу ва бошқа далилий ашёлар, гувоҳлар кўргазмаси олдида улар ожиз қолдилар. Жиноятларини тан олиб, пушаймонлик билдирдилар.

Темирйўл туман судининг, судья М. Салоҳиддинов раислигида ўтган мажлисида порахўр милиция ходимлари М. Баҳодиров ва Р. Ҳожиевларнинг ҳар бири 9 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Мол-мулклари мусодара этилди.

Исматулла ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг алоҳида муҳим ишлар бўйича бош терговчиси, адлия маслаҳатчиси.



Ҳиммат

Мамлакатимизда кўп йилдан буён самарали ишлаб турган Туркиянинг «Акатэкстекстиль» қўшма корхонаси жамоаси Собир Раҳимов туманидаги 100-махсус интернат мактаб болаларини ўз хомийлигига олиб ибрат кўрсатмоқда. 250 ногирон бола тарбияланадиган бу таълим масканига компьютерлар, магнитофонлар, телевизорлар, кийим-кечаклар совға қилинди. Бундан ташқари айрим бинолар таъмирлаб берилди.

Фирма бош раҳбари Угурбей Оқин бундай деди:

— Корхонамиз ногирон болаларга ҳар томонлама ёрдам беришни ўзининг шарафли бурчи деб ҳисоблайди. Моддий хайриядан ташқари маънавий жиҳатдан ҳам норасидаларга кўмакдошмиз. Уларнинг санъат сирларини ўрганишда ҳам далда беряпмиз. Яқинда болалар концертини завқ билан томоша қилдик.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Суратда: мактаб ўқувчилари ижодий концерти.
Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар



«Ўзпахтасаноатсотиш»: 2005 йилга дастур тайёр

Маълумки, Ўзбекистон дунёдаги йирик пахта етиштирувчи мамлакатлардан бири ҳисобланиб, жаҳонда Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон ва Покистондан кейин бешинчи ўринда, пахта толасини экспортга чиқариш ҳажми бўйича эса Америка Қўшма Штатларидан сўнг иккинчи ўринда туради.

Шу муносабат билан миллий бойлигимиз — «оқ олтин» толаси сифатини ошириш ва дунё бозор иқтисодиётида тутган мавқеини кучайтириш йўлида нима ишлар қилинаётгани хусусида «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасининг раиси Эркул ЗИКРИЁЕВ махсус мухбирларимизга гапириб берди.

— Бу йилдан бошлаб пахта толасининг сифати бевосита пахта тозалаш корхонасида аниқланиб, мувофиқлик сертификати берилди. Бу истеъмолчилар керакли навдаги толани танлашлари учун сарфлайдиган вақтни анча камайтириб, шунингдек толани жўнатиш жойларидаги турли келишмовчиликларга барҳам беради. Пахта толасини хорижга Транскавказ йўли орқали жўнатиш республикамизга катта фойда келтириш билан бирга, толамизни Европа ва Осиё мамлакатларида сотиш бозорларини ҳам кенгайтиради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентининг саъй-ҳаракатлари туфайли шу йўл орқали юкларни ташиш, шу жумладан пахта толасини хорижга чиқариш йўналиши изчиллик билан ўзлаштирилаяпти. Бу йил ушбу йўл орқали 700 минг тоннадан ортиқ тола ташилади.

Тармоқ корхоналарида хом ашёнинг намлик ва ифлослик даражасига кўра уни қайта ишлашнинг қисқа технологияси жорий этилди. Янгилик ўзининг кўпгина афзалликлари билан ажралиб туради. Биринчидан, бу технологияда машина-ускуналарни ихчам жойлаштириш ҳисобига хомашёни цехлараро ташиш масофаси қисқаради. Иккинчидан, кўп энергия талаб қиладиган пневматик транспортни механик транспортга алмаштириш имконияти вужудга келади. Учинчидан, уч барабанли тола тозалагич ўрнига техник-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган бир барабанли тола тозалагичга ўтиш учун шароит туғилди.

Пахтани ғарамлаш, уни сақлаш бўйича профилактик чоратадбирлар ўтказиш ва ғарамни бузиб пахтани ишлаб чиқариш жараёнига узатиш пахта тайёрлашдаги энг сермеҳнат ишлардан ҳисобланади. Бу ишлардаги қўл меҳнатини камайтириш мақсадида бир қатор техник ишланмалар ишлаб чиқилди. Аввал ишлаб чиқарилган кўп металл сарфланган ғарамлаш машинаси ўрнига ҳозирги вақтда Янгийўл пахта тозалаш корхонасида пахтани ғарамлаш ва ишлаб чиқаришга узатишнинг модул системаси синовдан ўтмоқда.

Ғарамларда туннеллар қазиш учун махсус телескопик туннел қазигичлар ишлатилмоқда. Пахтани тайёрлаш технологиясида РБД ва РП русумли ғарам бузгичлар тобора мустаҳкам ўринни эгалламоқда. Пахтани ғарамлаш ишларини механизациялаш бўйича изланишлар давом этмоқда.

Халқаро стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда пахта ва пахта маҳсулотлари сифатини баҳолаш классификацияси жорий этилди.

Шу билан бирга, пахта саноатида соҳани 2005 йилгача ривожлантириш дастурига мувофиқ ишлар олиб борилмоқда. Бу дастурга кўра пахта тозалаш корхоналарини ҳомашё етиштириш зоналарига яқинлаштириш, пахтани ташиш ҳаражатларини камайтириш ва аҳоли зич яшайдиган жойларнинг экологиясини яхшилаш мақсадида шаҳар ичида жойлашган пахта тозалаш корхоналарини шаҳар ташқарисига чиқариш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

1998 йилда қурилиб, ишга туширилган, замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланган, пахтани қайта ишлаш технологияси бўйича ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган иккита — Жондор (Бухоро) ва Муборак (Қашқадарё) пахта тозалаш корхоналари шу дастур доирасида амалга оширилган ишлар қаторига киради.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятидаги Алимкент ва Навоий вилоятидаги Навоий пахта тозалаш корхонаси тубдан реконструкция қилинди.

Ҳозирги пайтда соҳада йилига 650-700 миллион сўм ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарадиган 16 та турли кичик корхоналар ва цехлар ишлаб турибди. Соҳа учун танқис ҳисобланган жин ва линтер арралари дисклари, колосниклар ва ўта чидамли симдан тола тойларини боғлаш учун белбоғлар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, тола тойларини ўраш учун нотўқима мато ишлаб чиқарадиган 17 та цех ва соҳа учун керакли буюмларни тикадиган 60 га яқин тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Уруғлик чигит учун қоғоз қоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Пахтакор хўжаликларга юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлашни яхшилаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Уруғлик чигит тайёрлаш цехлари реконструкция қилинди ва уларда чигитни тозалайдиган ва саралайдиган янги машина-ускуналар ўрнатилди. Чигитни туксизлантириш ва дорилаш машиналари бир маромда ишлаши учун керакли ҳажмда материаллар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб қўйилди.

Келаси йил ҳосилига аниқ уялаб экишни таъминлайдиган, кам механик зарарланган уруғлик чигит тайёрлашнинг янги технологиясини ва такомиллаштирилган чигит дорилагичларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Бир неча пахта тозалаш корхоналаримизнинг акцияларини республикамизда фаолият кўрсатаётган чет эл инвестицияси бор корхоналар сотиб олди.

Илғор хорижий технологияларни кенгроқ ёйиш мақсадида хорижий фирмалар иштирокида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида иккита пахта тозалаш корхонасини қуриш мўлжалланмоқда.

Пахта тозалаш саноати хўжаликлар далаларида жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган сифатли пахта етилишидан манфаатдордир. Ўзларингизга яхши маълумки, ўзбек пахтаси жаҳон бозорида харидоргир ва рақобатбардош бўлса, пахтамизнинг довруғи оламга ёйилаверади. Бу эса ҳаммамизнинг — селекционер олимдан тортиб, пахтакор деҳқону ва пахта тозалаш корхоналаримиз ходимларининг фидокорона меҳнатига боғликдир.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Танбаллик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танбалнинг кўзига арзимаган иш туянинг ўркачидай бўлиб кўринади. Танбал одам ҳеч қачон юксалмайди, унинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам билинмайди. У боқиманда, бировнинг қўлига қараб яшайди. Тиламчининг худди ўзи. У ҳамманинг кўзига хунук кўринади. Бора-бора шунга ўзи ҳам кўникиб қолади. Мана, унинг ижтимоий қиёфаси.

Танбаллик, ишёқмаслик аслида нодонликдир. Чунки, у ўзига ҳам, атрофидагиларига ҳам озор етказади. Аммо ўзи сезмайди, гўё тўғри иш қилаяпман деб ўйлайди. Ҳазрат Навоий нодонликка қарата:

Сафиҳ золим ила бўлма хон ўза ҳамдаст,
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақликка.
Ўзингга аблаҳи нодонни айлама ҳамроз.
Ки яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақликка, — дейди.

Кўриниб турибдики, золим — инсонга ит ҳамтовоқ бўлолмагани кабидир. Нодон эса эшак каби ҳамсабоқ, яъни ақлли йўлдош бўлолмайди. Чунки нодонга ақл ўргатсанг, устингдан кулади. Худди ахмоқни ахмоқ деса арпа бўйи ўсгани каби. Албатта, танбал танбалликнинг касаллик эканлигини ўзи англаб етганида, ўзига ўзи баҳо бера олганида ҳунукликдан бежиримлик сари интиларди. Унинг тузалишида атрофидаги одамларнинг таъсири кучли бўлади.

Ўзининг назм дурдоналари билан классик адабиётга гўзаллик бағишлаган Хусрав Деҳлавий шундай ёзади:

Машаққатсиз қўлга кирмас ҳеч истак,
Имиллаган киши мисоли бекор.
Тани гулдек нозик ўша танбалдан
Дағал ҳаммол яхшироқ минг бор.

Демак танбалнинг туркиторовати нечоғли дуркун бўлмасин, кишилик жамияти учун, унинг эртаси учун зарарлидир. Чунки Х. Деҳлавий давом этиб:

Боғбон иш пайида бўлмаса андак,
Ҳар томонни босиб кетар тиканак, — дейди.

Албатта танангизнинг бирор аъзоси лат еса ё кесиб ташлаб қутуласиз, ё жиддий даволатасиз. Шундай экан жамият иллати — танбалликнинг ҳам, то атрофни тиканак босиб кетмасдан бурун илдизини қирқиш керак.

Киши меҳнат қилар экан аввало ўзи учун машаққат чекади, қолаверса, элу юрт, ватан деб ҳаракат қилади. Ҳаракатсиз одам кўлмак сувга ўхшайди. Ҳар қанча ариқ очганинг билан оқмайди. Кўлмак сув бора-бора бадбўй ҳид чиқаради. Ҳаракат қилган одам эса оқар дарёга ўхшайди. Ундан одамлар ҳам, табиату ҳайвонот ҳам баҳраманд бўлади. Борган жойида боғ яратади. Мутасаввуф шоир Жалолиддин Румий:

Ким машаққат чекди — топди ғазна ҳам,
Ким тиришқоқ бўлди — кўп топди карам, — дейди.

Ғазна айнан бойлик маъносида келмаса-да, имон сокинлиги барча бойликдан устун эканлиги таъкидланади. Сокинлик икки хил маъно касб этади. Яъни ҳаракатдаги сокинлик ва ўлик сокинлик. Танбалда ўлик сокинлик бор. Унинг юраги уриб, қон оқиб турсада, турқида совуқлик мавжуд.

Ҳа, карамсиз одамдан ҳамма узоқлашади. Абулқосим Фирдавсий:

Улуғлик гапда эмас бошдин-оёқ,
Ярти иш ҳам юзта гапдан яхшироқ, — дейди.


Инсон аввало ўзини қадрлай билиши керак. Ўзини билмаган ўзгани ҳам билмайди. Қадр инсонни юксалтиради. Қадрсизлик эса тупроққа қориштиради. Ўз қадрини билмаганни ўзга ҳам қадрламайди. Кўп гапириб бир иш қилмайдиган одам бир қоп пуч ёнғоққа ўхшайди. Шовдираб овоз чиқаради-ю, мағзи йўқ, манфаати йўқ.

Эндиликда ҳамма ватан учун, бир киши ҳам ватан учун шиори юракларга сингиши, руҳда жонланиши лозим. «Ватанни севмак иймондандир» — дейиладди Ҳадиси шарифда. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» дейди ватаннинг бугунги улуғи. Ватан аввало қонимизда оқиши керак. Вужудимизни қамраб олиши шарт. Руҳимизни уйғотувчи манбага айлансин Ватан.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Буюклар муҳаббати

Айтматов сабоқлари



Биз ўрта мактаб ва дорилфунун дарсликларида социалистик реализм методи талабларига жавоб берадиган асарларни ўқирдик. Ўша асарлар бўйича имтиҳон топширардик, илмий даражалар олардик. Синфдан ташқари юрган пайтларимизда эса албатта Чингиз Айтматов асарларини излаб кетардик, топардик, ётиб мутолаа қилардик. Қизиқ жойи шундаки, бизга таълим-тарбия берадиган устозларимиз ҳам Чингиз Айтматов асарларини ўқиш ва уқиш кераклигини қайта-қайта миямизга қуярдилар. Ҳатто имтиҳон чоғида Чингиз Айтматов асарларига доир қўшимча савол берардилар. Қулфи дилимиз очилиб, булбулигўё мисоли сайраб юборсак: «Қани, мулло, синов дафтарчангизни беринг-чи!» дея устоз дарҳол «аъло» баҳо қўйиб берарди. Ажаб ҳол ҳукм сурарди. Расмий мафкура бизни социалистик реализм томон етакларди, Айтматов эса бошқа томонга эргаштириб кетарди. Ҳали суяги қотмаган талабалар икки ўт орасида қоларди. Яна ҳам аниқроғи, биз икки эшик орасида сарсону саргардон бўлардик. Шўро таълимоти учун иккиюзламачилик, яримжонлик нарса ва ҳодисаларнинг ҳаётий тартибини англатарди.

Хўш, Айтматов сабоқлари нималардан иборат эди?

Биринчи ва энг асосий САБОҚ — муҳаббат фалсафий тушунчами ёки эстетик туйғуми? Сир эмаски, қадим замонлардан буён ман-ман деган донишмандлар муҳаббатни гоҳ фалсафа либосига буркайдилар, гоҳида замон ва макон муаммоларини муҳаббатнинг нозик елкасига юклаб қўядилар. Яъни, эстетик туйғу оғир юк остида майишиб қолади — муҳаббат ғоя йўлида қурбон бўлади. Агар беғубор муҳаббат замон ва макон муаммоларига зид келиб қолса, асло тантана қилмайди; бундай чоғда ҳар қандай соф муҳаббат ғоя учун қурбонликка берилади. Айтайлик, ватанпарварлик, халқпарварлик каби фуқаро бурчлари муҳаббатни маҳв этади («Тарас Бульба»ни эсланг). Ахир, тириклик қачонгача нисбий тушунчаларга занжирбанд бўлиб яшаши керак?! Аксинча бўлмайдими, яъни нисбий тушунчалар тирикликка қарам бўлмайдими?! Ер талашган — бошқалар, жон талашган — бошқалар, охир оқибат, осмоннинг устуни бўламан деганлар — бошқалар бўлса, нима учун муҳаббат икки ўт орасида куйиб, кул бўлиши керак экан?! Фалсафий тушунчаларга ҳаётини тиккан кокилдор бобо ошиқ дилларни ўз ҳолига қўйса бўлмасмиди?! Ахир, ошиқ-маъшуқалар ҳаёт гаштини сурмоқчи, холос. Зотан, ҳар кимнинг гўри бошқа. Ҳар ким фано мулкидаги қилмиши учун битта ўзи жавоб беради.

«Жамила» — ёлғончи дунёдаги энг рост ҳақиқат МУҲАББАТ эканини, у нисбий тушунчалардан жуда ҳам юксак эканини яққол кўрсатиб берди. Жажжи қисса ман-ман деган аҳли донишларни шошириб қўйди. Шу боис миллий анъаналарни ҳам компартия номенклатурасига аъзо қилиб олган корчалонлар «Жамила»га тиш-тирноғи билан қарши турдилар: дунёнинг олтидан бир қисмини қамраб олган собиқ иттифоқ ҳудудидан муштипар қирғиз қизига паноҳ топилмади. «Жамила» гўё Фарангистонга бошини олиб кетди — етти ёт бегона ўлкада «энг гўзал муҳаббат қиссаси»га (Луи Арагон ибораси) бошпана берилаётганидан КГБ жосуслари воситасида хабар топган ишбилармонлар зудлик билан хатоларини хаспўшлайдилар. Қисса Москвада ҳам Париж билан деярли бир вақтда чоп этилади.

Европанинг юраги остин-устин бўлиб кетган пайтда Чингиз Айтматов эндигина ўттиз ёшга кирган эди. У муҳаббатнинг қадр-қимматини биларди, атомдек қудратли бўлган, «адабиётнинг кучини ўтин ёришга сарф қилмаслик» кераклигини (Абдулла Қаҳҳор ибораси) ҳам яхши биларди.

Сирасини айтганда, буюк муҳаббат борлигига чин дилдан ишонмаган қаламкаш ҳеч қачон бу ҳақда ҳаққоний ёза олмайди. «Жамила» шу маънода ёзувчининг ширин хаёллари эди, ушалмаган армонлари эди. Бу армон нақадар беқиёс, бетимсол эканини Чингиз оға яқинда «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Чўққида қолган овчининг оҳи-зори» номли публицистик китобида қуйидагича ифодалайди:

«Ҳар бир тақдир чексиз-чегарасиз, мураккаб сирлари билан яратилади. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида тақдир тақозосига кўра, пешонасига ёзиб қўйилган аёлни ёки эркакни учратади. Бу борада ўзим ҳам истисно эмасман. Мен ўз ҳаётимда бутун вужудимни қамраб олган Муҳаббатни учратганман. Биз бир-биримизни излаганимиз йўқ. Ҳаммаси ўз-ўзидан рўй берди. Ўша тасодифий учрашув тақдирнинг бебаҳо инояти бўлди. Менинг ҳаётимни нур бўлиб ёритган Аёл — қирғиз санъатининг юлдузи, машҳур балерина Бибисора Бейшеналиева эди. Ўша азиз сиймо ҳозиргача тушларимга кириб, бедор қилади, кўнглимни кўтаради, ўтмишга қайтаради...

Эллигинчи йилларнинг охирлари. Москвадаги Адабиёт институтини тамомладим. Асарларим марказий матбуотда нашр қилина бошлади. Мен тўғримда гапириб қолишди. Ўша пайтлари Болтиқ денгизи флотида хизмат қилаётган қирғиз оилаларининг болаларига оталиқ ёрдами кўрсатадиган делегация ташкил этилди. Каминага ҳам делегация таркибида Ленинградга бориб келиш таклиф этилди. Бибисора Бейшеналиева билан ўша ерда учрашдим. Кейинчалик билдимки, тақдир пешонамга шу учрашувни ёзиб қўйган экан. Ўша кундан эътиборан то Бибисоранинг сўнгги кунларига қадар — ўн тўрт йил мобайнида юрагимда аланга олган ёлқин бир дам ҳам сўнмади. Албатта, мана шу ўтган йиллар давомида ҳар хил мишмишлар бизни роса безор қилди... Менинг юлдузим ёрқин порлаши учун Бибисора ўзининг аёллик бахтини қурбон қилди... Мушоҳада — онгнинг вазифаси, туйғу — юракнинг имтиёзи. Бир-бирига антагонистик душман бўлган ана шу икки фазилат фақат буюк шахс тимсолида мужассам бўлиши мумкин. У сўнгги дамларида ҳам мени бало-қазолардан асрайдиган фаришта бўлиб қолди. 1973 йилнинг 11 май куни Бибисора вафот этди. Бибисоранинг ўлимидан сўнг бўшаб қолган кўнглимни тўлдирадиган бирор нарса тополмадим... Дастлаб, учрашув-умид бахш этган, сўнг айрилиқ-азоб берган муҳаббат пешонамга ёзилган экан».

Бу пайтда (1970 й.) «Оқ кема» яратилган эди. Аслида, эртакдан, афсонадан сўнг бино бўлган «Оқ кема» ҳам тушунча (фалсафа) ва туйғу (эстетика) ўртасидаги абадий курашдан иборат. Беғубор бола (Мўмин чолнинг невараси) ҳаётни туйғулари орқали қабул қилади, у борлиқни тушунишни истамайди. Туйғулар фалсафани, тушунчаларни инкор қилади. Ваҳоланки, ҳаёт кўпинча (одатда) тушунчалар йиғиндиси, холос. Туйғу эса турмуш ва тирикчилик ташвишларидан юксак туради. Туйғу — тириклик манбаи. Бу ўринда тирикчилик билан тириклик ўртасида еру осмонча фарқ бор. Тирикчилик — махлуқ ҳаётини ифодаласа, тириклик — нурдан яралган мукаррам инсонни ҳар томонлама намоён этади. Тирикчилик — инсонни қандайдир (майли, улуғ бўлсин) ғояга бўйсундиради, Тириклик эса ҳар қандай ғояни (майли, улуғ бўлсин) инсонга бўйсундиради. Бола кундалик ғояга бўйсунмайди, у туйғулар қаърига ўзини отади ва хаёлий оқ кемани излаб оқиб кетади. Биз Боланинг ўлимини ғоя йўлидаги қурбонлик деб билмаймиз, балки туйғуларга қўшилиб кетган тимсол деб биламиз. Биқирлаб қайнаб-тошиб ётган ҳаёт дошқозонида Мўмин чолнинг невараси ё бор эди, ё йўқ эди... Унинг бу ҳаётдаги ўрни деярли сезилмасди, муҳитга таъсир кўрсатишга қодир эмасди. Фақат туйғуларнинг мувозанатини бузиб қўяди, холос. Фалсафа (тушунча) тарозиси эса қилт этмайди. Тирикчилик ҳам, тирикчиликдан иборат бўлиб қолган ҳаёт ҳам давом этаверади; бетуйғу, бетаъсир ҳаёт ўз маромида давом этаверади. Ночор, нотовон, бенаво Мўмин чолни ҳисобга олмаганда, одамлар ҳайрону лоқайд, қаҳрамонлар лоқайд...

Ёзувчи эса «долзарб мавзулар»га парво қилмайди, уни овлоқ гўшада истиқомат қилаётган болакай кўпроқ қийнайди. Уни инсон тақдири қийнайди, мукаррам инсоннинг ҳис-туйғулари унга тинчлик бермайди. Ахир, «Асрга татигулик кун» (1980 й.) романи ҳам айнан хўрланган мукаррам инсон тўғрисида эмасми?! «Қиёмат» (1985 й.) марказида ҳам мукаррам инсонга чексиз муҳаббат минораси қад кўтармаганми?!

Айтматов сабоқлари — инсоний муҳаббат манзараларидан иборат. Бу сабоқлар синфхоналардан, дарсликлардан ташқарида бошланиб, беғубор юракларга йўл топади. Айтматов сабоқларининг «алиф»и ҳам Муҳаббат, «мим»и ҳам Муҳаббат. Айтматов ҳақиқати — буюк Муҳаббат, инсоний Муҳаббат. Адибнинг услуби ҳам, бадиий ифода йўсини ҳам ана шу бетакрор Муҳаббатга бўйсундирилган. Атайлаб эмас, табиий ҳолатда бўйсунади. Ахир, илоҳий хилқат пойига эгилган бошни, қаламқошга термилган бебошни айблаб бўладими?! Ундан қусур қидириш жоизми?! Қолаверса, «гўзалликнинг қошида ахир...» Майли, уёғини ўзингиз айтарсиз...

Набижон БОҚИЙ

Шарқдаги энг йирик тўқнашув

Афғонистоннинг энг шарқий қисмида кўп ойлар ичида биринчи марта йирик тўқнашув бўлиб ўтди. Дала қўмондони Малик Зарин Хон раҳбарлигидаги отряд қўшинлари Кунар вилоятининг Нишғом—Нарай йўлида кутилмаганда толибларга хужум қилди. Узуқ-юлуқ хабарларга кўра, толибонлар жиддий талофат кўришган. Жангда икки қўмондон ҳалок бўлган. Ноябрнинг ўрталарида бир вақтлар Афғонистоннинг «Жамоати исломий» жамиятига аъзо бўлган Зарин Хон Бурхониддин Раббонийга хизмат қиларди. Кейин эса ҳарбий ишлардан воз кечганди. Яқин вақтлар ичида эса Кунар, Наргархар ва Лағмон вилоятларида толибонларга қарши янги фронт очишга ваъда қилганди. Ўшанда кузатувчилар унинг баёнотини майнавозчилик деб ўйлашган. Айни пайтда эса, Зарин Хон мустақил ҳаракат қилмоқда. Ҳолбуки у, толибларга қарши асосий кучлар бўлмиш Ахмад Шох Масъуд қўшинларига ҳозирча қўшилгани йўқ. Унинг қўшинлари номаълум бўлган аҳоли пунктини эгаллаб олди. Шаҳарча аҳолисига толибларга озиқ-овқат ва бошпана бермасликни талаб қилди.

Бир неча фронт бўйлаб ҳужумга

Яқин икки ҳафта ичида Афғонистоннинг қонуний ҳукуматида мудофаа вазири вазифасини эгаллаб турган Аҳмад Шох Маъсуд қўшинлари толибларга қарши бир неча фронт бўйлаб ҳужумга ўтишмоқчи. Улар Қундуз, Кунар, Кобул, Лағмон ва Бағлон вилоятларида жанг бошлайдилар. Толибларга қарши ҳаракатдаги манбаларга асосланиб РИА «Новости» мухбири хабар қиладики, Панжшир томонда 300 дала командири ана шу хужум масаласини муҳокама қилишди. Уларнинг ҳаммаси Масъудни ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлашмоқчи. Қўмондонлар толибларни тезроқ тугатиб, Президент Бурҳониддин Раббонийнинг қонуний ҳукуматини ўрнатишга қарор қилишди.

Тинглов бошланмоқчи

Вашингтонда АҚШ конгресси вакиллар палатасининг адлия қўмитасида Президент Клинтонга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган импичмент масаласида тинглов бошланди. Клинтонни ҳимоя қилиш учун 14 гувоҳ ва икки оқловчи сўзга чиқади. Оқ уйнинг баёнотига кўра, улар конгрессменлар олдида сўзга чиқиб импичмент Президент учун ўта қаттиқ жазо эканлигини исботлашмоқчи. Бинобарин, Клинтон Оқ уйининг собиқ шогирдларидан бири Моника Левински билан шўхлик қилганди. Илгари конгресснинг адлия қўмитаси Клинтонни ҳимоя қилиш муддатини 30 соатга қисқартирган эди. АҚШ Президентининг оқловчилари тайёрланиш учун яна тўрт кун сўрашди.

«Озодлик»

Бошқарувнинг янги усули

Шу йилнинг октябрь ойида Карачининг маъмурий маркази Синдда губернаторлик бошқаруви жорий этилган эди. Бу қарорни Покистон аҳолисининг 77 фоизи қўллаб-қувватлади. Ушбу конституцион чора Карачида террорчилик ҳаракатлари авж олиб кетганлиги муносабати билан амалга оширилди. Карачиликлар фавқулодда ҳолат ва трибуналларнинг фаол ишидан кейин жиноятчилик бирмунча камайди, дейишмоқда. Жуда бўлмаганда шаҳарда анча осойишталик сақланмоқда. Ахир террорчилар таниқли давлат ва жамоат арбоби Ҳаким Саидни ҳам ўлдиришган эдида. Полиция 18 соат давомида тиштирноғигача қуролланган жиноятчилар тўдасини қўлга туширишга ҳаракат қилди. Бироқ, жиноятчилар қочиб кетишди.

Жангарилар озод этилмоқда

Миср ички ишлар вазири Ҳабиб ал-Одилий жангари ислом ташкилотининг собиқ аъзоларидан 760 кишини ҳибсдан озод этилиши ҳақида фармон чиқарди. Бу ҳақда Ливан радиоси хабар тарқатди. Миср Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарлигига тайинланган Хабиб ал-Одилий қамоқхоналаридан тавбатазарру қилган беш мингдан зиёд ислом ташкилоти аъзоларини озод қилди. Уларнинг кўпи «Ал-Жамоа ал-Исломия» ва «Ал-Жихот» ташкилотларига қарашлидир. Улар бундан буён тавба қилганликларини, энди адашмасликка ва террорчилик билан шуғулланмасликка киришганликларини айтишди.

Ҳамма нарсанинг чегараси бор

Агар Қўшма Штатлар Бағдоддан иқтисодий жазо чораларини олиб ташланишига қаршилик қилаверсалар Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссияси Ироқ ҳудудида ишлашига йўл қўйилмайди. Бу ҳақда Москвадаги матбуот анжуманида Ироқ ҳукуматининг раиси ўринбосари Тариқ Азиз айтди. Жазо чораларини олиб ташласангиз махсус комиссия Ироқда ишлайверади. Ахир ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор-ку, — деб таъкидлади у. Тариқ Азизнинг сўзларига кўра, Ироқ АҚШнинг дағдағаларидан қўрққани учун ўз ҳудудига махсус комиссияни киритишга рози бўлгани йўқ. Балки Президент Борис Ельцин БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва айрим давлатлар вакилларининг воситачилик фаолияти туфайли бунга рози бўлди.

Ироқдан олинган хабарларга кўра, ушбу мамлакатда ҳар тўрт соатда бир бола оламдан ўтмоқда. Бу ҳақда Боғдодда Ироқ ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Саххоф инсон ҳуқуқлари хартияси эълон қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро учрашувнинг очилишида айтди. Бу Ироқ халқига нисбатан қўлланилаётган геноцит сиёсатининг натижасидир. Жазо чоралари туфайли дори-дармонлар етишмаяпти. Натижада бир ярим миллион киши (улардан бир миллиони ироқлик бола) оламдан ўтди. Бунинг учун АҚШ ва Буюк Британия жавобгардир, деди у.

Дастлабки евро тангаси зарб этилди

Голландия қироличаси Беатрикс Утрехтдаги қирол зарбхонасида дастлабки еврони 8 декабрь куни зарб этди. Бу билан у Голландияда янги Европа тангаларини чиқаришни бошлаб берди. 2002 йилда бундай тангалар сони миллиарддан ошиб кетади. У Голландия гульденини алмаштиради. Евро муомалага чиқаришдан аввал махсус омборхонада сақланади. Ҳозир бундай омборхона Лелистад шаҳрида бунёд этилмоқда.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Серқуёш юртимизнинг муҳтарам меҳмонлари

Энг универсал банк ҳисобланмиш Ўзбекистон акционерлик-тижорат саноат-қурилиш банки

сиз, азизларга ўз хизматларини таклиф этишдан ғоят мамнунлигини изҳор этади ва аҳолидан миллий валюта «сўм»да ва бошқа чет эл валюталарида жамғармаларга маблағларни республикамизнинг барча вилоятларининг 47 та бўлимида жойлашган 167 та жамғарма кассаларида омонатларни чегараланмаган миқдорда қабул қилади.

Банк сизнинг сармояларингиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни ва сизнинг биринчи талабингиз билан қайтариб беришни кафолатлайди.

Банк мавжуд бўлган 10 турдаги омонатларнинг сиз истаган турига сармояларингизни жалб қилиб, кўпайтириб беришга қодир.

Эзгу ишларингизга ривож, сармояларингизга баракот тилаймиз.

Телефонлар: 133-34-45, 133-32-36, 136-75-49.

Машъала ловчилар, курашга чорлар

13th ASIAN GAMES BANGKOK 1998

Маълумки, спортчиларнинг тинимсиз меҳнатлари самараси улар кўксига тақилган нишонлар билан белгиланади. Бу борада дзю-дочи Андрей Штурбабин биринчи бўлди десак, муболаға бўлмас. У Ўзбекистон терма жамоаси медаллари ҳисобига ўзининг камтарона бронзаси билан ҳисса қўшди. Эшкак эшувчиларимизнинг юқори натижа кўрсатишаётгани эса мухлисларни ҳайратга солмоқда. Улар бундан тўрт йил аввал Хиросимада ҳам ажойиб маҳорат кўрсатишган. Бу сафар байдаркачиларимиздан Рафаэл Исломов, Владимир Казанцев, Андрей Шилин, Константин Яшинлар минг метрли масофада ҳамкорликни ўрнига қўйиб, маррада биринчи бўлишди. Ғолиб спортчилар шарафига Давлатимиз мадҳияси янграб мовий-яшил байроғимиз кўтарилди. Шунингдек, байдаркачилардан Андрей Ряхов билан Герарт Шапар кумуш медаль соҳиби бўлдилар. А. Шилин эса бир кишилик байдаркада учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали келтирди.

Нишондорлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, дзюдочи Камол Муродовнинг ҳаракатлари ҳам зое кетмаганлиги кўзга ташланади. У мўғул курашчиси устидан соф ғалабага эришиб, кейин Кувайт ва Корея дзюдочиларини енгишга ҳаракат қилди. Афсуски, корейс курашчиси билан беллашувда 1:1 ҳисоби қайд қилиниб ютуқ ҳакамлар наздида бой берилган ҳисобланди. Мурод эса учинчи ўрин учун қозоқ полвони билан майдонга тушди. У бу гал соф ғалабага эришиб, Осиё ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди. Яна бир дзюдочимиз олимпиада ўйинларининг нишондори Армен Багдасаров юз килограммгача бўлган вазнли полвонлар билан курашиб, терма жамоамизга кумуш нишон инъом этди. Худди ана шундай медални гимнастикачимиз Светлана Бахритдинова ҳам келтирди. У таяниб сакрашда маҳорат кўрсатиб ғолиблик супасининг иккинчи поғонасини эгаллашга муваффақ бўлди.

Спортнинг қолган турлари бўйича ҳам йигит-қизларимиз совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, боксчиларимизга умид боғланмоқда. Ҳозирча Муҳаммадқодир Абдуллаев, Наримон Отаев, Темур Тўляков иккитадан ғалаба билан курашни давом эттиришмоқда. Темур Сулаймонов ҳам рингда бўш келмаяпти. Албатта, ишқибозлар футболчиларимизнинг учрашувларини зўр қизиқиш билан кузатишяпти. Тўғрисини айтганда йигитларимизга кўз тегмасину ҳозирча уларнинг қўлга киритаётган натижаларидан мамнуният ҳосил қилиш мумкин. Улар саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказгач иккинчи босқич ўйинларини ҳам кўтаринки руҳда давом эттирдилар. Биринчи гуруҳда куч синашаётган футболчиларимиз аввал КХДР жамоасини 4:0 ҳисобида енгишди. Тўпларнинг иккитасини Н. Ширшов, ҳамда И.Шквирин билан А. Акопянц дарвозага йўлладилар. Футболчиларимизнинг Ҳиндистон терма жамоаси билан учрашувида эса дарвозага иккита жавобсиз тўп киритилди. Бу гал М. Қосимов билан Ш. Раҳмонқулов ўзларини кўрсатишди. Шундай қилиб футболчиларимиз кеча Туркманистон жамоаси билан ўтказилган учрашув натижасидан қатъий назар 6 та очко билан чорак финалга йўлланмани нақд қилиб қўйишганди.

Бангкокдан олинган сўнгги хабарларга қараганда, эшкак эшувчиларимиз муваффақиятга эришган.Жумладан, тўрт кишилик байдаркада 500 метрли масофани иккинчи бўлиб босиб ўтган О. Шипиганевич, А. Москалева, И. Лялина, И. Исаковалар кумуш медаль соҳиби бўлишди. Шу масофада каноэда сузган А. Ряхов ҳам кумуш медални қўлга киритди. Д. Коваленко эса байдаркада моҳирона эшкак эшиб, учинчи кумушни келтирди. Қайиқчиларимиздан О. Шипиганевич билан Т. Левина, йигитлардан Сергей ва Владимир Шоисломовлар ҳамда А. Шилин билан В. Казанцевлар байдаркада учинчи натижа кўрсатишди.

Теннисчилар О.Огородов билан В. Куценко Корея жамоасини енгиб, финалга чиқишди. Ҳозир терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар 1 та олтин, 6 тадан кумуш ва бронза бўлиб, кучли ўнликдан жой олиб турибди. Осиё ўйинлари эса қизғин паллага кириб бормоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Организация
реализует со склада в Ташкенте нижеследующие:

Асботкань АТ-1С; АТ-3

Шланг РВД 12х1000, 12х1250, 12х1450, 12х1650, 12х1850, 12х2250,

Автозапчасти:

Гильзо-поршневая группа, коленвалы, головки блока, прокладки головок блока, уплотнители, сцепления, детали коробок скоростей, детали ходовой части, всего более 400 наименований для автомобилей ГАЗ-24; ГАЗ-53; ЗиЛ-130; семейства МАЗ; семейства КАМАЗ и КрАЗ.

Форма оплаты — перечисление.

✉ **Наш адрес:**
г.Ташкент — 700015, ул. Айбека, 47.

Тел.: 54-78-19, 54-93-07. Тел/факс: 54-76-31.

Ҳафталик кўрсатувлар

ДУШАНБА 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
8.00-8.40 “Таҳлилнома”.
*
8.40 “Ўзлик”. Бадиий-публицистик кўрсатув
9.05 “Жан Кристофф”. Телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 “Ўзбек киноси ижодкорлари”.
10.40 “Олтин тож”. Телевизион ўйин.
11.05 “Жаҳон спорти”.
11.15 “Қувноқлар ва зукколар”.
12.05 Кундузги сеанс. “Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғаройиб саргузаштлари”. Бадиий фильм
13.35 “Обод уйда пок одамлар яшайди”. Таҳлилий кўрсатув.
14.10-14.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 “Ҳа, ҳа, ҳа”. Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.30 “Олам ва одам”.
18.45 “Бир наво истар кўнгил”. Мусиқий дастур.
19.05 “Иқтисод ва биз”.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.20 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. Одил Ёқубов. “Адолат манзили”. Видеофильм премьераси. 1-серия.
22.00 Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти.
22.40 “Кусто командасининг сув ости саргузаштлари”. Телесериал. 3-қисм.
23.25 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
23.40 “Ахборот”.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 “Кусто командасининг сув ости саргузашти”. Телесериал.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 “Давр”. Ахборот дастури.
19.25 Ёшлик ва спорт.
19.40, 20.35, 22.25 Эълонлар.
19.55 “Ёшлар” телеканалида премьера. “Доктор Финли”, Телесериал (Шотландия)
20.40 Юксалиш.
20.45 “Ёшлар” телеканалида.
21.00 “Ёшлар” телеканалида премьера. “Аёл зоти”. Кўп қисмли бадиий фильм. 6-қисм.
20.30 “Очун”. Жалолиддин юрган йўлларда.
21.50 Шарқ эстрадаси.
22.00 “Давр”. Ахборот дастури.
22.30 Синема. “Тўсиқ билмас севги”. Мелодрама.
00.10 “Хайрли тун!”

TMV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 “ДАРАКЧИ”.
18.10 Болалар учун. “Энди эртак бошланади”.
18.30 “Санта-Барбара”. Телесериал.
19.15 “Табиат шифохонаси”.
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида).
20.00 “Дунёнинг бир булғари”.
20.20 “Ҳиндистондан салом!” Мусиқий клип.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Таггерт”. Телесериал.
21.55 “Туризм ҳақида”. Ҳафталик шарҳ.
22.25 “Бешинчи ўлчов”.
22.45 “ДАРАКЧИ”
22.55 “Бу — джаз”.
23.15 “Морт ва Фил”. Мультсериал.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ.
01.35 “Хайрли тун, шаҳрим!”

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 “Мультсайёра”.
*
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 “Шу ерда ва ҳозир”.
19.05 “Инсон ва қонун”.
19.45 “Синган чироқлар кўчаси”. Милиция сериали.
20.45 “Хайрли тун, кичкинтойлар!”
21.00 “Время”.
*
21.40 “Муҳаббат тарихи”. Телесериал. 154-қисм.
22.25 “Оламда нима гап?” Ахборот кўрсатуви.
22.30 “Дурдаршан”.
22.50 “Бу бўстон аро...”
23.00 “Вести”.
23.30 “Шоҳсупа сари йўл”.
23.50 Киносеанс. “Она Ҳиндистон”. Бадиий фильм. 1-серия.
01.10 “Ахборот” (рус тилида)
01.35 “Она Ҳиндистон”. Бадиий фильм. 2-серия.
02.55-03.00 “Тунингиз осуда бўлсин!”

ПАЙШАНБА 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
8.00-8.30 “Ахборот”.
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 “Қўшиқ — маънавият кўзгуси”. Мусиқий дастур.
9.10 “Кусто командасининг сув ости саргузаштлари”. Телесериал. 4-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 “Теран томирлар”.
10.30 “Созга солдим Алпомишни”.
10.50 Болалар учун. “Компьютер сабоқлари”.
11.15 “Оламни асранг”.
11.35 “Соз сеҳри”. Мусиқий дастур.
12.05 “Ажаб саодат эрур...” Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 Футбол. Ярим финал.
14.10-14.50 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. Одил Ёқубов “Адолат манзили”. Видеофильм премьераси. 3-серия.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 “Кичкинтоймиз-гижингтоймиз”.
18.25 “Тилга эътибор...”
18.45 “Харита”. Халқаро шарҳ.
19.00 “Ҳидоят сари”.
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
19.55 “Юзма-юз”.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. Одил Ёқубов “Адолат манзили”. Видеофильм премьераси. 4-серия.
21.35 “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”. Публицистик кўрсатув.
22.15 “Санъатим саодатим”. Мусиқий дастур.
22.40 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
22.55 “Сомон йўли”.
23.45 “Ахборот”.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 “Кусто командасининг сув ости саргузашти”. Телесериал.
18.55 Мусиқий лахзалар.
19.00 “Давр”. Ахборот дастури.
19.25 Ёшлик наволари.
19.40, 20.35, 22.45 Эълонлар.
19.45 “Доктор Финли”. Телесериал.
20.35 Иймон.
21.00 “Ёшлар” телеканалида премьера. “Аёл зоти”. Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
01.00 “Хайрли тун, шаҳрим!”

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 “Мультсайёра”.
*
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 “Бу ерда ва ҳозир”.
19.05 “Эслашлари учун...” Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
19.45 “Синган чироқлар кўчаси-2”. Милиция сериали.
20.45 “Хайрли тун, кичкинтойлар!”
21.00 “Время”.
*
21.35 “Муҳаббат тарихи”. Телесериал. 155-қисм.
22.20 “Оламда нима гап?” Ахборот кўрсатуви.
22.25 “Глинка-44”.
22.40 “Спорт клуб”.
23.00 “Вести”.
23.30 “Кино сайёраси”. Гарри Купер.
23.50 Кинематограф. “Роппа-роса чошгоҳда”.
01.30 “Ахборот” (рус тилида)
01.55-02.00 “Тунингиз осуда бўлсин!”

ЖУМА 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
8.00-8.30 “Ахборот”.
*
8.30 “Куйлардан қушиқларга”. Мусиқий дастур.
8.50 “Зийнат”.
9.10 “Жан Кристофф”. Телевизион бадиий фильм. 9-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 “Маслак ва мақсад”.
10.25 Немис тили.
“Умид” намойиш этади:
10.55 “Ўзбекистон аскарлари”.
11.15 “Шоирлар болаларга”.
11.35 “Кетмас давлат берсин”.
12.05 “Гаройиб ов”. Мультфильм.
12.15 “Маржон”. Телеклуб
12.55 “Бастакор илҳоми”. С.Тухтасинов.
12.30 -14.00 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. Одил Ёқубов “Адолат манзили”. Видеофильм премьераси. 4-серия.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. “Фарзанд-умид юлдузи”.
18.25 “Руза ойи — покланиш ойи”.
18.35 “Ислоҳот ва масъулият”.
18.55 “Шеър ва шуур”.
19.05 “Фуқаролик жамияти сари”.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.25 Эълонлар.
21.30 Мутойиба.
21.55 “Ёшлар” телеканалида.
22.00 “Давр”. Ахборот дастури.
22.25 “Дойче Велле” тақдим этади.
22.50 Синема. “Юзида ўлим акси”. Хаёлий комедия.
00.30 “Хайрли тун!”

TMV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 “ДАРАКЧИ”.
18.10 “Ёрилтош”. Мульттўплам.
18.20 “Билиб қўйган яхши”.
18.35 “Санта-Барбара”. Телесериал.
19.15 “Ривоят”.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 “Нафосат гулшани”.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Оқибат”. Телесериал.
21.55 “Тошкент ва тошкентликлар”.
22.05 Худуд “М”. Ёшлар дастури.
22.30 “ДАРАКЧИ”.
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Видео-“О”
00.30 “Хайрли тун, шаҳрим!”

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 “Мультсайёра”.
*
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 “Шлягер”.
19.05 “Жавоҳирлар олами”. Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 “Сиҳат-саломатлик”.
19.45 “Муъжизалар майдони”.
20.45 “Хайрли тун, кичкинтойлар!”
21.00 “Время”.
*
21.35 “Муҳаббат тарихи”. Телесериал. 156-қисм.
22.20 “Оламда нима гап?” Ахборот кўрсатуви.
22.25 “Сизнинг адвокатингиз”.
22.40 “Дил изҳори”.
23.00 “Вести”.
23.30 “Оскар” совриндорлари антологияси.
23.45 “Менинг амаким” (1959 йил) Бадиий фильм.
01.30 “Ахборот” (рус тилида)
01.55-02.00 “Тунингиз осуда бўлсин!”

ЧОРШАНБА 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
8.00-8.30 “Ахборот”.
***
8.30 “Ёр ва диёр тароналари”.
8.50 “Инсон — ҳаёт гултожи”
9.05 “Жан Кристофф”. Телевизион бадиий фильм. 8-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 “Остонаси тиллодан...” Адабий кўрсатув.
11.00 “Мусиқа ва замон”.
11.30 “Акс садо”.
12.05 “Эски ҳужрада”. Мультфильм.
12.15 “Муҳаббат дарси”.
12.45 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. Одил Ёқубов “Адолат манзили”. Видеофильм премьераси. 2-серия.
13.25-14.00 “Зиё”.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. “Орзули олам бу”.
18.30 “Қалқон”.
18.45 “Сиҳат-саломатлик”.
19.05 “Қалб минбари”.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.15 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 “Таълим-тарбия миллий дастури — амалда”.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. Одил Ёқубов “Адолат манзили”. Видеофильм премьераси. 3-серия.
21.45 “Севги сурури”. Мусиқий дастур.
22.05 “Тафсилот”.
22.25 “Кусто командасининг сув ости саргузаштлари”. Телесериал. 4-қисм.
23.20 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
23.35 “Ахборот”.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 “Янги авлод” студияси намойиш этади (“Билағон маслаҳати”, “Уйна болажон, уйна”, “Мультғомоша”).
18.40 “Ёшлар” телеканалида ёшлар.
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 “Давр”. Ахборот дастури.
19.25 Қалб садолари.
19.35 “Ракурс”. Халқаро кураш федерацияси раиси Комил Юсупов.
20.00 “Спорт-лотто”.
20.10 “Лаззат”.
20.25, 23.05 Эълонлар.
20.30 “Ринг”.
20.45 “Талқин”.
21.10 Танишинг: Равшан Тиллахонов.
21.25 “02 тўлқинида”.
21.35 “Спектаклдан сўнг”. Ҳамза театри актёри Тоҳир Саидов.
21.55 “Ёшлар телеканалида”.
22.00 “Давр”. Ахборот дастури.
22.25 Ҳаммаси мода ҳақида.
22.45 Хит коллекция.
23.10 Синема. “Фазовий ҳайдовчилар”. Жанғари фильм.
00.40 “Хайрли тун!”

TMV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 “ДАРАКЧИ”.
18.10 “Ёрилтош”. Мультғуплам.
18.30 “Санта - Барбара”. Телесериал.
19.15 “Усто”. Телелавҳа.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 “Онагинам”.
20.20 Мусиқий лаҳза.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Таггерт”. Телесериал.
21.50 Эстрада концерти.
22.05 “Менинг Тошкентим”. Муаллифлик курсатуви.
22.40 “ДАРАКЧИ”.
22.50 “Кўзгу”.
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Видео - “О”.
23.30 “Ахборот”.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 “Мультсайёра”.
*
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 “Кўзмунчоқ”.
19.10 “Ҳунар соҳиблари”.
19.25 “Мусиқий Олимп”.
19.45 “Бу Хитой...”
20.00 “Тасвир-98”.
20.15 “Биргаликда куйлаймиз”.
Россия жамоат телевидениеси
21.00 “Время”.
21.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 “Омонлик тилаймиз”
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 “Ахборот”
21.05 “Мавзу”
21.50 “Муҳаммадун Расулуллоҳ”. Тўрт фаслни ёд этиб...
22.30 “Огаҳий лирикаси”. Мусиқий дастур.
23.05 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
23.20 “Ахборот”.
“Мунаввар дунё”. Дам олиш дастури.
23.50 “Азиз сиймолар”.
00.10 Бадиий фильм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 “Янги авлод” студияси намойиш этади (“Қизиқарли хабарлар”, “Дунё ва болалар”, “Мультғомоша”)
18.40 “Ислом ва ёшлар”.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 “Давр”. Ахборот дастури.
19.25 “Шабнам”.
19.40, 20.35, 22.50 Эълонлар.
19.45 “Доктор Финли”. Телесериал.
20.50 Телетомошабинлар талабларига биноан. “Оқ қуш”. Видеофильм.
21.40 “Уйна гулим, уйна”.
21.55 “Ёшлар” телеканалида.
22.00 “Давр”. Ахборот дастури.
22.25 Интерспорт.
22.50 Синема. “Қалбим ардоғи” (Ҳиндистон)
00.50 Мунаввар тонг истаб!

TMV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 ДАРАКЧИ.
18.10 “Ёрилтош”. Мультғуплам.
18.35 “Санта-Барбара”. Телесериал.
19.15 Рақслар жилоси.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 “Хусусийлаштириш: қадам-бақадам”.
20.20 “Тошкент таровати”. Манзарали фильм.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Оқибат”. Телесериал.
21.50 “Ханда дукони”.
22.20 “Сиз уларни танийсиз”.
22.40 “ДАРАКЧИ”.
22.50 “Нурли мавж”.
23.05 “Мусиқий меҳмонхона”.
23.25 Спорт оламида.
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 “Кинонигоҳ”.
01.45 “Хайрли тун, шаҳрим!”

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 “Мультсайёра”.
*
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 “Шлягер”.
19.05 “Жавоҳирлар олами”. Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 “Сиҳат-саломатлик”.
19.45 “Муъжизалар майдони”.
20.45 “Хайрли тун, кичкинтойлар!”
21.00 “Время”.
*
21.35 “Муҳаббат тарихи”. Телесериал. 156-қисм.
22.20 “Оламда нима гап?” Ахборот кўрсатуви.
22.25 “Сизнинг адвокатингиз”.
22.40 “Дил изҳори”.
23.00 “Вести”.
23.30 “Оскар” совриндорлари антологияси.
23.45 “Менинг амаким” (1959 йил) Бадиий фильм.
01.30 “Ахборот” (рус тилида)
01.55-02.00 “Тунингиз осуда бўлсин!”

ШАНБА 19

«Ўзбекистон» телеканали

5.00 “Муҳаммадун Расулуллоҳ”. Тўрт фаслни ёд этиб...
5.35 Мумтоз мусиқа.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.30 “Ахборот”.
8.00 “Ўзбектелефильм” намойиш этади: “Абу Исо Термизий”.
8.10-8.30 “Соғинч соҳили”.
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 “Мусиқа бўстони”. Телеальманах.
9.05 “Мозийдан бир муъжиза”.
9.20 “Шоҳруҳ клуби”.
9.40 “Бўстон”. Тележурнал.
“Умид” намойиш этади:
10.10 “Шу Ватанга бордур менинг керагим”.
10.30 “Талабалар саҳнасида”.
11.00 “Истеъдодлар унар боғ”.
*
11.20 “Бевосита мулокот”.
12.10 Кундузги сеанс: “Темир хотин”. Бадиий фильм. 1-серия.
13.15 “Санамлар саркори”. Телетанлов.
14.15-14.50 “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”. Публицистик кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Уйғоқ қунлар”. Кинокўрсатув.
18.20 “Мувозанат”. Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 “Бахтли воқеа”.
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
19.55 “Оқшом эртаклари”.
20.10 “Ўзбекистон янгиликлари” (инглиз тилида)
20.20 “Жаҳон спорти”.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Кишлоқ ҳаёти”.
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси. “Муҳаммадун Расулуллоҳ”. Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 1-қисм.
22.20 “Оталар чойхонаси”. Мусиқий дастур.
23.10 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
23.20 “Ахборот”.
23.50 Футбол. Финал.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 “Янги авлод” студияси намойиш этади (“Буш ўтирма”, “Қувноқ учрашув”, “Билоғон маслахати”, “Мультғомоша”)
10.00 Қалб садолари.
10.10 “Ёшлар” телеканалида.
10.15 “Ақл ёшдамас”.
10.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 “Ҳуш келибсиз!”
10.50 “Ракурс”
11.15 “Кусто командасининг сув ости саргузаштлари”. Телесериал.
12.05 “Очун”. Жалолиддин юрган йўлларда.
12.25 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. “Чархпалак” 2-қисм.
13.10 Эгиз қўшиқлар.
13.35 “Талқин”.
13.55 “Синбад”. Телесериал.
14.40 Шу куннинг мавзуси.
15.00 Синема.
16.40 Спектаклдан сўнг.
17.00 “Аёл зоти”. Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-қисм (такрор.).
17.30 Буюк юрт фарзандиман. Қўқон политехника коллежи.
17.40 “Дойче Велле” тақдим этади.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 “Янги авлод” студияси намойиш этади (“Келинг танишайлик”, “Уй вазифаси”, “Мультғомоша”)
18.45 Гўзал диёр ёшлари.
19.00 “Давр”. Ахборот дастури.
19.25 Тақдим.
19.40, 20.30, 23.10 Эълонлар.
19.45 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. “Чархпалак”. 3-қисм.
20.35 “Бизнес-академия”.
21.50 “Бахс, мунозара, тахлил”.
21.05 Мусиқий лахзалар.
21.10 Сир.
21.25 Йирик планда. Робин Уильямс.
21.40 “Ёшлар телеканалида.
21.45 Мусиқа теграсида.
22.00 “Давр”. Ахборот дастури.
22.25 Интерфутбол.
22.45 “Кўнгил кўнгилга пайванд”.
23.15 Синема. “Даут Файер хоним”. Бош ролда Робин Уильямс.
00.50 “Хайрли тун!”

TMV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 “Мультконцерт”.
8.20 “Сиз уларни танийсиз”.
8.40 “Олис юлдуз шуъласи”.
9.00 Дилором наволар.
9.15 “Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари”. Телесериал.
10.00 “Ҳамшаҳарлар”.
10.30 Болажонлар экрани.
12.30 “Билиб қўйган яхши”.
12.45 “Бева Бланка”. Телесериал.
13.30-14.00 “Нафосат гулшани”.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 “ДАРАКЧИ”.
18.10 “Ёрилтош”. Мультғуплам.
18.40 “Табиат шифохонаси”.
18.50 “Ер курраси”.
19.10 “Мисли гавҳар”.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 “Таянч”.
20.20 Дилором наволар.
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Муаллиф”.
21.35 “Даллас”. Телесериал.
22.25 “Хобби- холл”.
22.45 “ДАРАКЧИ”.
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 “Кинонигоҳ”.
00.45 “Хайрли тун, шаҳрим!”

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 “Кино сайёраси”.
9.25 “Роппа-роса чошгоҳда”. Бадиий фильм.
11.05 “Баяр қасри калитлари”. Телевизион ўйин.
12.35 “Кросс-Роудс” кафесига хуш келибсиз!
13.05 “Миразиз куйлаганда”. Фильм-концерт.
13.30-13.50 “Дидар”.
*
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 “Кўзмунчоқ”.
19.10 “Ҳунар соҳиблари”.
19.25 “Мусиқий Олимп”.
19.45 “Бу Хитой...”
20.00 “Тасвир-98”.
20.15 “Биргаликда куйлаймиз”.
Россия жамоат телевидениеси
21.00 “Время”.
21.35 “Махфий ҳужжатлар”. Сериал.
*
22.30 “Бизнес-доктор”. 3-қисм. “Реклама”.
23.00 Киносеанс. “Годзилла”. Илмий фантастик фильм. 1-2-сериялар.
01.00 “Ахборот” (рус тилида)
01.25-01.30 “Тунингиз осуда бўлсин!”

ЯКШАНБА 20

«Ўзбекистон» телеканали

5.00 Муборак Рамазон туҳфаси. “Муҳаммадун Расулуллоҳ”. Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 1-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.30 “Ахборот”.
8.00-8.30 “Ўзбектелефильм” намойиш этади. “Сунмас зиё”.
8.30 “Камалак”. Болалар учун кинодастур.
9.15 “Ҳазрати Инсон”.
9.30 Вилоят хонандалари куйлайди.
“Умид” намойиш этади:
10.00 “Ватанимга хизмат қиламан”.
11.00 “Табассум кўчаларида”.
11.50 “Қувноқ стартлар”. Телемусобақа.
12.35 “Ёзувчи ва замон”.
13.00 “Қишлоқ ҳаёти”.
13.20 “Темир хотин”. Бадиий фильм. 2-серия.
14.25-14.55 “Болалигим — пошшолигим”.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
“Умид” намойиш этади:
18.00 “Олтин тож”. Телевизион ўйин.
18.25 “Оила”. Тележурнал.
19.00 “Ўзлик”. Бадиий-публицистик курсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.30 Эълонлар.
19.30 “Таҳлилнома” (рус тилида)
20.05 “Оламга саёҳат”.
20.30 “Таҳлилнома”.
21.15 “Обод уйда пок одамлар яшайди”. Таҳлилий кўрсатув.
21.40 Муборак Рамазон туҳфаси. “Муҳаммадун Расулуллоҳ”. Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 2-қисм.
22.35 “Якшанба оқшомида”. Мусиқий-дам олиш дастури.
23.05 Телевизион миниатюралар театри. “Кулги дастаси”.
23.45 XIII Осиё ўйинларининг ёпилиши.
00.15 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
“Аср мўъжизаси” кинодастури:
00.30 Кино янгиликлари.
00.40 Бадиий фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 “Янги авлод” студияси намойиш этади (“Қизиқарли хабарлар”, “Келинг танишайлик”, “Янги авлод почтаси”, “Катта танаффус”, “Мультғомоша”)
10.00 Ёшлик наволари.
10.10 Бизнес академия.
10.25 “Лаззат”.
10.40 “Ёшлар” телеканалида.
10.45 “Кусто командасининг сув ости саргузашти”. Телесериал.
11.35 Мутойиба.
12.00 “Ёшлар” телеканалида ёшлар.
12.15 “Ўзбектелефильм” намойиш этади “Чархпалак”. 3-қисм.
13.00 Цирк, цирк, цирк...
13.20 “Синбад”. Телесериал.
14.05 Интерфутбол.
15.50 Синема.
16.30 “Ёшлар ва спорт”.
16.45 Шабнам.
17.00 “Аёл зоти”. Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7- қисм (такрор.).
17.30 Дунё ҳафта ичида.
17.50 Мусиқий лаҳзалар.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 “Янги авлод” студияси намойиш этади (Янгиликлар, “Бугуннинг боласи”, “Мультғомоша”)
18.45 “Рақслар жилоси”.
19.00 “Давр”. Ахборот дастури.
19.25 “Илк қадам”.
19.40, 20.30, 22.45 Эълонлар.
19.45 “Чархпалак”. Телесериал. 4-қисм.
20.35 “Далил ва шарҳ”.
20.45 “Синфдош”. Бука туманидан тайёрланган.
21.10 Менинг ҳам ўз овозим бор. Жиззах шаҳридаги эстрада кўрик танлови лауреати Шаҳло Рустамова.
21.30 Миллионлар уйини.
21.45 “Нафосат”.
21.55 “Ёшлар” телеканалида.
22.00 “Давр”. Ахборот дастури.
22.25 Кинопрофи.
22.50 Синема. “Тубсизлик” фильмидаги ғаройиб саёҳатлар.
00.30 Жаноб Бин ҳангомалари.
00.40 “Хайрли тун!”

TMV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 “Мультжумбоқ”. Телевизион ўйин.
8.25 “Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари”. Телесериал.
9.10 “Жавоҳирлар соҳили”.
9.30 “Латифа”.
9.45 Болажонлар экрани.
11.15 “Ёввойи табиат”.
11.40 “Таманно”.
11.55 “Бева Бланка”. Телесериал.
12.40 “Талабларингизга биноан...”
12.55 “Спорт оламида”.
13.25-15.05 Такрорий фильмлар экрани.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 “ДАРАКЧИ”.
18.10 “Кичкина деманг...”
18.35 “Дурдона”.
18.50 “Хориж ҳангомаси”.
19.15 Дилором наволар.
19.25, 20.00, 20.25 Эълонлар.
19.30 “Таҳлилнома” (рус тилида)
20.05 “Мусиқий майдонча”.
20.25 “Минг бир ҳикмат”.
20.30 “Таҳлилнома”.
21.10 “Даллас”. Телесериал.
21.55 “Жавоҳирлар соҳили”.
22.15 “Фаолият”.
22.35 “ДАРАКЧИ”.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 “Кинонигоҳ”.
00.35 “Хайрли тун, шаҳрим!”

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 “Эртакларнинг сеҳрли олами”.
10.20 “Парле ву франсэ?”
10.45 “Жонли сайёра”.
11.00 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
11.10 “Оскар” мукофоти антологияси”.
11.25 “Менинг амаким”. Бадиий фильм.
13.10 “Табиат билан танишув”.
13.30-13.50 “Рангинкамон”.
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 “Жонли сайёра”.
19.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси
19.15 “Кумушранг серия”.
21.00 “Время”.
21.45 “Мюзик-холл”.
22.15 Якшанба кинозали. “Полициячи”. Бадиий фильм.
23.45 Таҳлилнома” (рус тилида)
00.15-00.20 “Тунингиз осуда бўлсин!”

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбоббо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.025 нусхада босилди.


Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0592

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



2-